

R 496



Guliston
2004/5



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМПИА СОВРИНДОРЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА



Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Бугун юртимизда ёш авлод камолоти, унинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун яратилган кенг имкониятлар ва уларнинг негизда кўлга киритилаётган ютуқлар истиқлолимизнинг халқимиз, ёшларимиз олдида қандай катта йўллар, янги уфқлар очиб бераётганини яна бир қарра тасдиқлайди.

* * *

Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бами-соли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билаги кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва сўянчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сўйсатнинг дастлабки нишонасидир.

Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен катъий ишонаман.

* * *

Фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказишда бизга энг яқин кўмакчи ва ёрдамчи бўлган жисмоний тарбия ва спорт, айниқса, уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

* * *

Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлиги асослангандир.

* * *

Олимпиадада нафақат голиб бўлиш, балки унда иштирок этишининг ўзи ҳам катта бахт.

* * *

Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айти пайтда ҳар-бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир.

* * *

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шаъни ва шон-шухратини улуғлаш — инсондан чинакам жасорат ва ирода-ни, фидоийликни талаб этади.



Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган.

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир хайъати:

Бобур АЛИМОВ
Нилуфар АЛИХОНОВА
Маҳмуд БЎРОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр ГАНЖАМУРОД
Неъматилла ИБРОХИМОВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи
ўринбосари)

Абдусайд КЎЧИМОВ
Отаназар МАТЌУБОВ
Муҳаммадjon ОБИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Шухрат РИЗАЕВ
Ўктамхон ХОЛДОРОВА
(масъул котиб)

Рустам ШОҒУЛОМОВ
Эркин ЭРНАЗАРОВ
Жуманазар ҲУСАНОВ

Бўлим муҳаррирлари:

Комил ЖОНТОВ
Даврон РАЖАБ
Адиба УМИРОВА
Манзура ШАМС

Саҳифалаш ва дизайн:
Шаҳло ҲОШИМОВА

Мусахҳиҳ

Ёрбек ИСКАНДАР

Фотомуҳбир

Дмитрий КУРЬЯКОВ

Навбатчи муҳаррир
Манзура ШАМС

Ушбу сонда:

Қашқадарё булбули4

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА9

«АСЛ ТУЛПОР ЭКАН ЎЗБЕКНИНГ ОТИ...»15

ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ20

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

ОТ ЙИЛИ28

МИЛЛИЙ ТЕАТРДА
АСАРЛАР ТАЛҚИНИ34

СОВЕТЛАРНИК САМЪАЛНИ ИЖТИМОЙЛАРНИ41

ЧИНОР
БОЛАЛАРИ43

Босишга 12.10.2004 да топширилди. Қоғози: 60x84 1/8. Ҳажми: 6 босма табақ.

Буюртма №278, Нусхаси: 1005.

Таҳририят манзили: 700029, Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57
Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп
этилди. Манзил: Тошкент, Хадича Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан
руйхатга олинган.

дилдан тилга ўтган соз оҳанглари барҳаёт, соҳир овоз соҳиби миннатдор кўнгиллар тўрида яшайди:

*Кўшиқ айтган, куйлаган одам
Эду юртдан дуо олади.
Ғазал каби умри бардавом,
Халқ дилида мангу қолади.*

*Қашқа ўгли Тожиддин Мурод —
Ҳофиз эди нафаси ширин.
Наволарда яшар умрбод,
У қолдириб кетди қалб меҳрин!*

**Нормурад НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири**

Хар бир дарахтнинг осмонга бўй чўзиб, қаддини ростлаб, ушлаб турувчи қисми илдиизи бўлса, иморатнинг асоси эса пойдевордир. Оврूपо мусикий аънаъасида бу вазифани «контрабас»лар бажарадилар. Бизнинг ўзбек мусиқамиз ижрочилигида юк уд, афгон рубоби ва дуторнинг бас намуналари зиммаларидадир. Шу боис уларни рамзий маънода сифатдош чолғулар деб атадик.

Уд чолғуси Ўрта ва Яқин Шарқда донг таратган қадимий, мукаммал чолғу ҳисобланади. IX-X асрда яшаб ижод этган энциклопедик олим Абу Наср Фаробий ижодидан маълум. Чунки, унинг «Муסיқа ҳақидаги катта китоб»ида айнан уд чолғуси тадқиқ этилган. Шунингдек, XII асрда яшаган мусиқашунос олим Сафиуддин Урмавий «Рисолат аш-Шарафия» китобида уд хусусида кўп фикрлар келтиради. Жумладан, «Билки, мусиқий чолғулар ичида энг машҳури ва энг мукаммали бу уддир». Уд чолғусининг Шарқ халқлари руҳиятига жуда хослигининг асосий сабабларидан бири унинг савти, яъни овоз тараннумидир. Уд ўтмишни эслатувчи, ўтган замонлардан ҳикоя қилувчи сеҳрли садога эга созидир.

Шарқ ва Ўрта Осиё халқларида ана шундай савтга эга бўлган чолғулардан бири рубобдир. Рисолаларда рубобнинг тўрт симли ва симлари асосан ипақдан бўлганлиги, ундан

мушдандир», каби маълумотлар баён этилган.

Афгон рубобининг ижро имкониятлари удга нисбатан қулайлиги, овоздаги таровати бу чолғуни халқлар орасида оммалашшига сабаб бўлган, десак адашмаган бўлаемиз. Чунки, унинг савти ҳам удсимондир. Уд тараннумида жамланган мунг унда ҳам ифодасини толган. Фақат услуб жиҳатидан фарқланади. Шундай ҳулоса қилиш мумкин-ки, афгон рубоби ҳам қайсидир маънода уд каби вужудга келган. Чунки, бу муқаррар жараён. Дунёдаги жамики чолғулар мукаммал соз — инсон овозига тақлидан яратилган.

Ўзбекистонлик усталар 1930 йиллардаёқ оркестр овозининг асосини тараннум этувчи созлар хусусида кашфиётлар яратдилар. Ўзбек чолғуларининг оилавий ўхшаш турларини ясаб, такомиллаштиришлари натижасида «савти» удсимон, техник имкониятлари терпериясига мослаштирилган дуторнинг бир намунаси юзага келди. Бу чолғу йўғон овозга эга бўлганлиги сабабли «дутор бас» номи билан атала бошлади. Тез орада дутор бас турли оркестрлар ва хаттоки ансамбллар таркибидан ўрин олди. Моҳир ижрочилар талқинида композиторлик ижодиёти намуналари билан бирга мумтоз халқ мусиқа намуналари ҳам муносиб оҳангини топа бошлади.

СИФАТДОШ ЧОЛҒУЛАР

(уд, афгон рубоби ва дутор бас)

ташқари овоз тароватига ёрдам берувчи кўплаб торлари ҳам мавжудлиги зикр этилган. Ҳозирги амалиётда афгон рубоби тарихий манбаларда ёзилган рубобнинг ўзи эканлиги эътироф этилган.

Уд чолғуси кўпроқ араб халқларида тарқалган бўлса, афгон рубоби Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда кенг тарқалган. Дарвиш Али Чангининг (XVII аср) рисоласида «Рубоб торли мусиқа чолғуси бўлиб, Ўрта Осиёда машҳур бўлган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220) давридан бошлаб халқ орасида кенг тарқалган. Чолғунинг 5 та тори бўлиб 4 таси ипақдан ва 1 таси ку-

Натижада, ўзбек халқ чолғулари таркиби яна бир ўзига хос чолғу билан бойиди.

Қадимий наволарни таратувчи созларнинг замон руҳи билан сўғорилиши, аждодлар удумларининг замонавий илғор ғоялар билан сўғорилиб, янгича шаклда ҳаётга тадбиқ этилиши маънавиятимиз раванқининг бир кўринишидир.

Савту оҳанглари билан руҳиятимизга ором бахш этувчи бу созлар то абад халқ ардоғида яшаб қолажамизга ишончимиз комил.

Илҳом ДЕҲҚОНОВ

Афған Иброҳим Гафуров мунаққид бўлмаганда ҳам, масалан, жуда яхши таржимон сифатида адабиётимизда ўзига хос ўрин, ўзига хос овозга эга бўлган бир шахс сифатида тарихда қолмиш арзийди. Башарти Иброҳим ака мунаққид ёки таржимон бўлмаганда, публицист сифатида ҳам эги долзарб масалалар шарҳида ёзган, нисбатда ифойли публицистик мақолалари билан тарихда қолар эди. Башарти Иброҳим Гафуров таржимон, мунаққид, публицист бўлмаганда, айтимайлик, яхши нарсани билан адабиётимиз раҳнақига қанча зинса қўйган ижодкор сифатида адабиётимиз тарихида роҳи бор ижодкор. Мени Иброҳим Гафуровни таъқиднинг шояри, дегим келади. Иброҳим аканинг ҳамма таъқидловларида, қанча китобларидан шояриб, даҳиман китиб таъқидларига, публицистик мақолаларидан шояриб, манусураларига жуда қанча шояриб рўз бор. Айтимайлик, Достоевскийнинг «Шелва» романини шундай диништира эмас, экиб таржима қилганини ёзи ҳам осон эмас. Иброҳим ака мана шу асарини бундан рўзига йўқур китиб бориб, айнан рўз асарини таржима қилган ижодкор.

Ўткир ХОШИМОВ

Биз Иброҳим Гафуровнинг ижодий лабораторияси билан ақиддан танишиш мақсадида у билан бадиий таржима хусусида суҳбатда бўлдик ва мазкур суҳбатни сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчи лозим топдик.

— Иброҳим ака, энг аввало, таржимон ўзини нимадан бошлайди, таржимага тайёргарлик жараёни қандай кечади?

— Ҳаммаси қизиқишдан бошланади.

нима олишига, ўзлаштиришига кўзингиз етса, бу асарлар ўзбекчага таржима қилинса, соз бўларди, деган фикрга келасиз.

Мен университетнинг илк курсларида таҳсил олиб юрган кезларим рус мугантос адабиётини жуда қизиқиб ўқиганман. Ушанда Гаршин, Успенский, Достоевский, Герцен, Гогол, Гончаров, Салтиков-Шчедриннинг машҳур асарларини бирма-бир мутлола қилганман. Тинмай «Обломов», «Ака-ука Карам-


Кўнгида таржимони

Ўз шаклланган маънавий-руҳий, маданий қизиқишларингизга кўра жохон адабиётининг энг яхши асарларини ўқийсиз. Ё яна бир қизиқиш сабабли бирор миллий адабиётни чуқурроқ ўрганасиз. Рухий эҳтиёжларингизга шу мутараққий миллий адабиётда яратилган энг яхши асарлардан жавоблар излайсиз. Худди шундай эҳтиёжларга кўра жохон адабиётда мавжуд оқимларни ўрганасиз. Модернизм, авангардизм, романтизм, реализм... Сизни бу оқимларнинг қай бири ўзига тортса, шунинг ичига чуқурроқ киришни истайсиз. Шунда маълум бир асарлар ёки ёзувчилар ижоди сизга қучли таъсир қилади. Кафкани ўқиб, ўйга ботасиз. Унинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинса, ўзбек ўқувчиси уларни қандай қабул қиларкин? Кафка ўзбек ўқувчисининг руҳий дунёсига қандай таъсир этаркин, унда қандай ўзгаришлар ясаркин? Шунга ўхшаш саволлар устида ўйланасиз. Агар Кафкадан ҳозирги замон ўзбек китобхони бирор

зовлар», «Кечмишларим ва кечинмишларим», «Диканка қишлоғи оқшомлари»га ўхшаш асарларни ўқирдим. Уша пайтлар менда «Ака-ука Карамазовлар», «Обломов» ҳамда «Кечмишларим ва кечинмишларим» («Былое и думы») мени ўз ўйловлари ва гаройиб, баъзан ўта оргинал кечинмалари оламига тортиб кетган. Халқнинг, ватаннинг тақдирини, инсон эрки, қисмати, озодлик, эркинлик сингари жуда қанча масалаларга кўзимни шу китоб очган. Юракка уларнинг сўнмас ва ҳеч қачон ортга қайтмас эзгулигини олиб кирган. Герцен рус дунёси ҳақида қандай ўйлаган бўлса, худди шундай тарзда ўзбек дунёси устида мени ўйлашга ундаган.

Ушанда менга қачон бўлмасин, бу улғ китобни ўзбек тилига таржима қилишим керак, деган фикр ўрнашиб қолган.

Лекин мана, қарангки, ҳозиргача бунга муяссар бўла олган эмасман. Ҳамон орзу орзулигича қолиб келади. «Ака-ука Карамазовлар», «Кечмишларим ва ке-



чинмишларим" каби улкан миқёсдаги романларни таржима қилиш учун одам ўзига жуда тўқ ва эмин бўлиши керак. Тўқлик ва эминликни яратиш учун эса, катта куч ҳам жамиятдан, ҳам шахснинг ўзидан рағбат, талабгорлик зарур.

Бир йилги "Шарқ юлдузи" журнали менга Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" ("Кунда") асарини таржима қилиб беришни таклиф этди. Илгари Айтматовнинг барча асарларини ўқиган эдим. Яна қайтадан ўзбекча ва русча нашрларини ўқидим. "Кунда"ни икки бор диққат билан ўқидим. Бу асар ҳақида жуда жиддий баҳс-мунозаралар бўлаётган эди. Уларни кузатиб бордим. Ростини айтсам "Кунда"ни яна бир бор ўқигандан сўнг, асардан қўчиб турдим. Романнинг услуби юрагимда акс садо топавермади. Жумлалари ёдимда қайнайвермади. Бир кўнглим воз кечиб кўя қолай, деб ўйладим. Кейин асар қаршида пайдо бўлган иродасизлик ўзимга наъша қилди. Айтматов бу асарини рус тилида ёзган. Миллий рус ёзувчисининг тили билан бошқа миллатга мансуб ёзувчининг русчаси ўртасида гарчи ҳар иккиси битта тил бўлса ҳам, ер билан осмонча фарқлар бор. Достоевский тили мени қийнамайди, Гончаров тили қийнамайди, аксинча, улкан фароғат ва наъша бағишлайди. Уларнинг оҳанграбоси ўзбек сўзларида табиий ифода ва жаранг топади. Лекин Айтматов тили қандайдир интеллектуал ошланган ва яратилган тил бўлгани учун ўзбекчада унга мос оҳанг ва жаранг топиш осон эмас. Баъзан фалсафий, публицистик жумлалар бир саҳифалаб, янги саҳифалаб чўзилиб боришини-ку айтмай қўя қолай. Айтматовда "Оқ кема", "Соҳил бўлаб...", "Кунда" асарларида шундай мураккаб фалсафий публицистик муҳокама усули ҳоким. Бу асарлар унинг бошқа асарларидан кескин фарқ қилади. Менга "Асрга татиғулик кун" асарининг таржимаси тажрибасида қўлланган йўл бир мунча далда берди.

Шунда бир фикр ҳавлимдан кечди: Агар "Кунда"нинг биринчи уч жумласини ўзбекчада чиқара олсам, қолганини ҳам уйдalayман. Агар чиқара олмасам, романнинг таржимасини бўйинимга олмайман. Ишга киришиб, қирғиз эртакларини қирғиз тилида ўқидим. Кўна туркий тилининг содда, жўн, ёт сўзлар агарлашмаган жозибасига асир бўлдим. Чингиз Айтматов бу романни қирғизча ёки ўзбекча ёзса, қандай жумла тузарди, деб тасаввур қилдим.

Дўстим Турсунбой Адашбой таржимага уринаётганимни эшитган шекилли, менга қирғиз тилида "Кунда"дан бир боб таржима қилиб, журналда эълон қилган экан, шуни олиб келиб

берди. Таржимон романни қирғиз эртакларининг содда, жозибали тили билан ўйрган эди. Шунда кўнглимда роман бошидаги жумлаларнинг оҳанги уйғонди. Роман услуби, роман сўзи деган бир тудунча бор. Шу услуб, шу сўз топилмагунча роман ёзиб бўлмаганидек, шу услуб, шу сўз топилмаса, уни таржима ҳам қилиб бўлмайди.

Ўқиб кўрсам, "Кунда"нинг роман услуби ўзбекча жаранглаётгандай ва у одамни уялтирмайдиган бўлиб туюлди. Шундан кейингиа аста-секин ишга киришиб кетдим.

— Сиз таржимага хоҳлаган вақтда, руҳий ҳолат кутмасдан ўтироласизми?

— Олдин руҳий ҳолат яратмасдан туриб, ҳеч қандай ишга қўл уриб бўлмайди. Чўмилгиси келган одам сувга бирдан калла ташлаб, шўнгиши ҳам мумкин. Лекин мен кўп кузатганман. Одам ҳар қандай сувга кириш ё тушишдан аввал у сувнинг атрофида бироз туради, юради, ўзини сувга чоғлайди, деса ҳам бўлади. Жуда камдан-кам одамларгина сувга бирдан, тайёргарликсиз тушиб кета оладилар.

Лекин кўп ҳолларда сувга оҳиста, эҳтиёткорлик билан сувнинг ҳароратини чамалаб, сўнг кирадилар — ўзларини аввал сувга ўргатадилар. Одамлар сувдан, ўтдан кўрқадилар. Чўнки булар — стихияси жуда кучли ҳодисалар. Ҳар қандай одам улардан доим эҳтиётини қилиб туради.

Ижод жараёни ва унга "кириш" ҳам худди шу сувга тушишга ўхшайди. Одам эҳтиёт бўлиб, ўзида бир қайфият, бир чоғланиш яратиб ва ҳис қилиб, сўнг ишга киришади.

Таржима жараёнининг ҳам ўз руҳи, ўз пири-ўз париси бор. Шунини ҳис қилсангиз ва олдиндан таржимага яхши, пухта тайёргарлик кўрган бўлсангиз, сўнг иш ўрнидан осон жилади. Аксинча, ишни бошлаб қўйиб, кўп бosh қашиб ўтириш, вақтини бой беришга тўғри келади. Лекин ҳар кимнинг руҳий ҳолатга кириши турлича бўлади.

— Таржима қилинаётган асар қаҳрамони характерига ўзинингнинг ҳиссиётингиз ҳам кўчиб ўтадими?

— Агар қаҳрамон билан руҳингиз яқин, унга тўла маънода ошно бўлиб қолсангиз ёки ўзингизни унинг ўрнида кўра бошласангиз, албатта, маълум бир маънода "ҳиссиётлар кўчиси" рўй беради. Мен кўпинча Раскольниковга, Авдийга айланиб қолганимни сезганман. Раскольников ва Авдийнинг сўзлари — менинг ҳам сўзларим. Уларга менинг қалбим оҳанглари тўла кўчган.

— Сизда ўзга адиб туйғу ва фикрларига ижодий ёндошиш меъёри қандай бўлади?

— Туйғуларда ҳамоҳанглик ва фикрларда ҳамфикрлик тугилса, шунда меъёр ҳосил бўлади. Шунда аслиятдаги сўзлар, фикрлар, туйғулар оқими қалб-бингиздан қайнаб чиқади. Улар сизнинг туйғуларингиз бўлиб қолади. Шундай ҳамоҳанглик ва ҳамфикрлик пайдо бўлмаса, таржима ҳеч қачон қовушмайди.

— Сизга реалистик асарларни таржима қилиш осонми ёки мажозий асарларини?

— Мен юрагимга яқин, юрагимни жизиллатадиган асарларни таржима қилиб завқланаман. Юрагимни жизиллаган асар бўлса, унинг қийин-осонлиги мен учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Мен ҳеч қачон таржима учун осон асар танламаганман. Мирзиёев Мирзойидов, Мирқарим Осим сингари моҳир таржимонлар таржима танлашга жуда катта масъулият билан қарар эдилар. Асар юракларда акс-садо берагани, таржимасга киришар эдилар. Кун ўтказиси ё пул топиш учун таржимага қўл урмасдилар.

— Сиз кўпроқ Достоевский асарларини таржима қилгансиз. Бунинг боиси нима?

— Достоевскийнинг сўзлари, фикрлар дунёси, фикрлаш тарзи ва йўсинлари менга жуда яқин. Достоевскийни ўқисам, "мен ҳам шундай ёзган бўлардим, шундай сўзлаган ва фикрлаган бўлардим", деган ўй мени тарқ этмайди. Шунинг учун бўлса керак, унинг жумлалари ўз-ўзидан ўзбекчага айланиб кетаверади. Достоевский ўзбек бўлганида шундай фикрлаган бўларди, деб ҳаёл қиламан. Достоевскийда ўзбекча бегона бўлган ёки нафратини кўзгатган сўзи ва ёки ҳолатини учратмаганман.

— Таржимада миллий қолорит қандай яратилади? Таржимон эркин бўла оладими?

— Таржимага таржимон ўзи мансуб миллиятнинг қолоритини сингдира олмайди. Фақат тил унсурларида, фразеологияда баъзи оҳанг товланишларида таржимон миллиятга хос қолорит акс этиши мумкин. Лекин Авдий ёки Раскольниковни ўзбекча, Настася Филипповнани ўзбек қизига айлантириб бўлмайди. Шундай қилиш мумкин, лекин бу аслиятга хиёнат бўлади. Таржимондан моҳирлик, маҳорат талаб қилнади. Моҳирлик ва маҳорат эса маълум даражада эркинликсиз юзага чиқмайди. Эркинлик шу маънода, тўла маънода маҳорат билан боғлиқ. Лекин эркинлик асарни ўзи истаганда талқин қилиш ва ўзгартириш, дегани эмас.

— Таржима асар, аслият билан беллашмоғи учун таржимон олдиданги энг муҳим вазифа нималардан

иборат?

— Аслият билан беллашиш учун аслиятнинг ўзини яхши билиш, яхши тасаввур қилиш, унга уйғунлик ҳис қилиш ва ниҳоят энг муҳими уни севиш керак. Севсангиз, беллашиш одамига фароғат ва паззат бахш этади. Севсангиз, беллашишдан чарчамайсиз ва бу жонингизга ҳеч тегмайди.

— Сизнинг наздингизда таржимон маҳорати нима? Таржимада маҳорат нима билан белгиланади? Шунингдек, ёзувчи маҳорати ва таржимон маҳорати тушунчалари хусусида сизнинг фикрингиз?

— Таржимоннинг маҳорати — қайта бино қилиш. Таржимон яратмайди. Қайта бино қилади. Бу қайинни ўзбек боғига қўчириб келтириб ўтказиш эмас. Бир иқлим ниҳолини бошқа бир иқлимга келтириб ўтказиш ўнчалик қийин иш эмас. Бунинг учун озгина боғбонликдан хабардор бўлинса ёки боғбон фаросати бўлса, кифоя.

Таржимоннинг маҳорати бошқача. У ўша қайинни олиб келиб, ўз халқининг қалбига эқади, пайванд қилади. Пайванд зўр бўлса, қайин тўтиб кетади. Узоқ замонлар яшайди. Кўп қалблардан жой топади. Лекин пайванд чала, жўн бўлса, асар мумтоз бўлса-да, юракларда турмайди. Шунинг учун мен таржимонларни пайванд қилувчиларга ўхшатаман. Ёзувчининг маҳорати — йўқни бор қилишда. Таржимоннинг маҳорати — борни бор ва бордан пайванд қилишда.

— Сизга ижод қилиш осонми ёки асарни таржима қилиш?

— Ижод одами кўкларга кўтаради. Таржимон эса ҳамиша ерда юриши мумкин. Ижод қилаётганда ўз тақорланмас мулкнингизни яратасиз. Таржима қилаётганда эса, қандай бўлмасин, сизгача ҳосил қилинган ҳодисага эргашасиз. Эргашив ва яратиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

— Сўнги пайтларда қандай асарлар таржимаси усти-

да ишляписиз?

— Одамларнинг қалб ҳарорати жуда ўзгариб туради. Киши бунни кўпинча сезмайди. Аслида, қалб тинимсиз ўзгариш жараёнларида туради. Араблар қалб деб ўзгариб турадиган нарсаларни айтганлар. 1989 йилнинг ёзида Эдгар По деган америка ёзувчисининг "Лигейя", "Элеонора", "Пари ороли" деган хикояларини ўзимни синаш ва По ҳаётот оламини чуқуროқ тушуниш учун таржима қилган эдим. Кейин улар оққа кўчирилмай қолди. Яқинда яна Пони соғиниб ўқидим. Ўша таржималарим эсимга тушди. Уларни қидириб топдим. Ўқидим. Русча матни ўқидим. Синчикладим... Таржима сира дидимга ўтирмади. Ўзимдан жуда норози бўлдим. Бундай таржима қилмаслик керак, дедим. Ўз жумлаларим ўзимга бегона бўлиб туюлди. Нега бундай бўлди экан? По жумлани худди мусиқа каби тузади. Мен ўшанда — 1989 йил ёз чиласида шу мусиқани англаб етмаган эканман. Америка мусиқаси нималигини билмаган эканман. Шунда, қандай кечинмалар ичда юрганларим ва нега Пони ўшанда таржима қилишга уринганимни эслашга киришдим... Аммо бу бутунлай бошқа масала...

Шундай қилиб, 1995 йилнинг кузида По яна қайта ўқилди. Энди уни яқинроқ бир тарзда тушундим... Ва ҳикояларни бутунлай янгидан таржима қилдим. Лекин, ҳамон улар ҳали тўла По эмас... Пога андақ ўхшаган, лекин тўла По эмас...

Бадиий асар таржимони сева билиши керак. Асарни севмасангиз, таржима ҳам жуда совуқ ва эруқ қиқади. Севсангиз, сеvgи жумлаларингизга ўт ва харорат, жозиба бағишлайди. Телбалик ҳақида сўраяписиз. Сеvgи бор ерда телбалик бўлади-да...

— Самимий суҳбатингиз учун ташақкур, Иброҳим ака!

Азиза ҲАМРОҚУЛОВА
суҳбатлашди

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ИКИР — ФИКРЛАР

Илҳам париси, қаердасан? — деб нидо қилди бир шоир — Келсанг-чи!

— Мана келдим, — деди Илҳом париси хизматга шайланиб.

— Хотиним кетиб қолувди, — деди Шоир — пайтоғимни ювиб бер...

Ҳарчандики қилинди — Қалам ёзмади. У — тўмтоқ эди-да...

— Мен ҳеч қимми икки нулға оламайман, — деди бир одам. Бошқалар эса уни бир нулға ҳам олишмасди.

Оғзидан чиққан ортиқча гап қаерга борса ҳам, ортиқчалик қилди. Охири қайтиб келиб, эгасининг ёқасига тармашди.

— Фельетонларимнинг қахрамонлари менга кун беришмаяпти, — деб нолиб қолди Фельетончи.

— Масалга ўта қол, жониворлар ўқшин билишмайди, — деди Масалчи.

Ҳўроз ҳар кунни гердийганча баланд девор устига чиқиб қичқиради, Булбул эса сайради-ю, кўзга сўринмасди. Одамлар унинг ёқимли сайрашини эшитишарди холос.

Шарин суҳбатга Шоёқин аралашди. Энди қочиб қутулишдан бошқа илож йўқ.

— Мен тоғман, — деб қолди анчайшин бир Тепалик.

Ҳамма ундан қулди. Чунки ҳақиқий Тоғ нарида индамай савлат тўқиб туради.

— Уейрлик қилишга уялмайсизми? — деб сўрашди бир Уейрдан.

— Уялганимдан юзимга ниқоб тутиб оламан-да, — деди у.

Кутубхонага кириб қолган Қаламуш нене китобларни ишдан чиқарди. У — саводсиз қаламуш эди-да...

Юздаги Хол жуда ярашиб туради. Чунки у ўз ўрнида эди-да...

Суҳбатдан файз кетди. Унга Сафсата аралашган эди.

Меҳмон — меҳмонни ёмон кўради, меҳзон эса иккаласини ҳам...

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА



Неъматилла РАСУЛОВ,
ИИВ Шахсий таркиб билан
ишлаш хизмати бошлигининг
ўринбосари

Мавлудки, жорий йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Республика Вазирлар Маъкамаси томонидан мазкур йилда амалга оширилиши лозим бўлган Давлат дастури ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастур асосида Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан "Меҳр ва мурувват йили"ни самарали ўтказиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унда бир қатор ташкилий тадбирлар, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жиноят содир этишга мойил шахслар билан олиб бориладиган профилактик йўналишдаги гоъвий-ижтимоий муҳофаза тадбирлари, воёга етмаганилар тарбиясига боғлиқ бўлган ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари аниқ белгилаб берилди.

Ички ишлар идоралари зиммасига юклатилган ушбу вазифаларни бажаришда асосий эътибор ҳар бир инсон таянчи ҳисобланмиш оилани мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоялашга, маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб туришга, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилди. Меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш меҳр-оқибатни ходимларимиз ҳаёт



Билтёр Ошдаёвнинг ҳамкасблари билан оила ўзгалари учиртувчи улуғлимис оқсавлариди.



Хидираланинг орзу-умидлари, армонларини фарзандлари рўёбга чиқарсин!




Бошқарма раҳбарияти ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни ижсоий бурч деб ҳисоблашади.



Марҳумнинг отаси Зиядулло Бобо Олтинсой тумани ИИБ бошляги Э.Муродов ҳамда масъул ходимларни кутиб олмақда.



"Келинжон, яшн кунларга ишатиинг, кўп ўрнида кўрасанг, ҳамкасбиянг зуррўбадларининг кўнга чўмаксия", — дейди капитан Умаралн Бойқўболов.



Сув бермоқ — савоб, нон бермоқ якки карра савоблар.

тарзининг ажралмас бир қисмига айлантириш мақсадида ўзаро аҳилликка эришиш, Фуқаролар тотувлиги ва турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун тегишли ташкилотлар, ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган қатор қўшимча тадбирлар ҳам белгилаб олинди.

Аввало, хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ходимларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда 29-31 март кунлари Тошкент шаҳрида содир этилган террористик актларнинг олдини олиш ва келтирилган зарарни бартараф этишда қаҳрамонлик кўрсатиб, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига ИИБ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ички ишлар Бош бошқармаси ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилди. Ходимларнинг кўрсатган жасорати ва номларини абадийлаштириш, оилавий шарт-шароитларини яхшилаш борасида тегишли ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар вазирлигида "Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан кўрсатилган қаҳрамонликлар учун тақдим этилган давлат мукофотлари ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига топширилди.

Сурхондарё вилояти ИИБ жанговар сафарбарлик гуруҳи милиционери, милиция сардори Салоҳиддин Бекмуродов 29 ёшида Узун ва Сароисиё туманларига бостириб кирган террорчиларни бартараф этиш операцияларида қатнашиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. У вафотидан сўнг "Жасорат" медали билан тақдирланди. У яшаган маҳаллага Салоҳиддин номи берилди. Шу билан бирга унинг оиласига туман ҳокимлиги ва вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббуси ва молиявий кўмаги билан қуриб битказилган 6 хонали уй ва телевизор топширилди.

Жиноятчиларга қарши курашда ҳалок бўлган милиция ходимлари ва ҳарбий хизматчилар фарзандларига оталарининг изларидан бориб, ички ишлар идораларига ишга киришда, ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатга ёки ИИБ тизимидаги таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёзлар яратилди.

Барча байрамларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига, фарзандларига қимматбаҳо совғалар улашилди. Жиноятчиликка қарши кураш чоғида жароҳат олиб, касалхона ва госпиталларда даволанаётган ходимлар ҳамда ички ишлар идоралари фахрийларидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Уларнинг мардлиги, жасурлиги ва қаҳрамонликлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкиллаштирилиб, алоҳида китоблар ҳам ёзилди.

Ички ишлар идораларида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан ходимларни, айниқса, ногиронларни ИИБ даволаш масканларида бепул даволаш, озик-овқат учун тўловларни арзонлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ички ишлар вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари тизимларида хизмат қилаётган санъаткорлар иштирокида вилоятларда хайрия концертлари ўтказиш ўғрисида"ги Фармойишига асосан ички қўшинлар қошидаги "Турон юлдузлари" ансамбли Қорақалпоғистон

Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда концертлар уюштириб, концертдан тушган маблағларни меҳрибонлик уйлариغا хайрия қилиб келишмоқда.

Кам таъминланган, ногирон ёки ёлғиз яшовчи қарияларнинг рўйхатлари тузилиб, улардан имкон қадар тез-тез хабар олиб туриш учун маҳалла посбонлари ва кўшимча манбалар бириктирилди.

Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармалари билан ҳамкорликда болалар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтириш мақсадида кам таъминланган оилалар фарзандларига, қаровсиз қолган, ўқимай, ишламай юрган вояга етмаганларга иш топиб бериш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлиmlари, вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш марказлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарияти ҳамда маҳаллалардаги тадбиркорлар билан мустақкам алоқа ўрнатилиб, уларнинг ёрдамидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-онасиз қолган, боқувчисини йўқотган вояга етмаганлар аниқланиб, улар Болалар ижод марказлари ҳузуридаги мактабдан ташқари муассасаларга жалб қилинмоқда.

Маҳаллаларда ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи видео-аудио тасмалар ва турли нашрларни тайёрлаш, кўпайтириш ҳамда тарқатишнинг олдини олиш мақсадида видео заллар, кабел телестудияси, видео тасмаларни ижарага бериш пунктларининг фаолияти мунтазам текшириб турилибди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги 162-сонли қарорига асосан милиция таянч пунктлари қошида ташкил этилган тўғарақларга, спорт майдончаларига, ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларига кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган, айниқса, ички ишлар идоралари ҳисобида турган ёшлар жалб этилмоқда.

Ичкиликбозлик, токсикоманлик ва гиёхвандликка ружу қўйган, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарни маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда, шаҳар ва туман вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссияларининг сайёр мажлисларида муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳаллалардаги бадавлат фуқароларга ўз хонадонларини марказлашган қўриқлаш пультага топшириш зарурлиги ҳамда қарз бериш ва олиш борасида ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Садақа ва эҳсон қилиш мавзусида диний уламолар билан ҳамкорликда суҳбатлар уюштирилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида улар орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган, жазони ижро этиш жойларидан озод қилинганларини ишга жойлаштириш, имкони бўлмаганларни уйда бажариладиган меҳнатга жалб этиш чоралари кўрилкоқда.

Ички ишлар идоралари ходимларининг "Меҳр ва мурувват" йилида амалга ошираётган савобли ва эзгу ишлари нафақат жорий йилда, балки кейинги фаолиятларида ҳам давом этади. Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг "Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак" деган ўғитлари барчамиз учун ҳаёт тамойилига айланиши лозим.



Раҳматга турмуш ўртоғиниғ Давронжон жасур, касбига садақатан ҳодим эди. Алоқ сизга сабр берсин, келин.



Ватан ҳимояси учун кўксини қаққон қаққан мардум кич сержант Хидирали Рузйбоев хонадонига ташриф.



2004 йил 1 сентябр. Мардум катта лейтенант Амонов Муҳиддиннинг хотирасини ҳадрлаш мақсадида бошқарма масъуа ҳодимаари томонидан унинг хонадони аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

«Аса тулпор эхан ўзбекининг оти...»

Халқимизнинг ардоқли бахшиши Фозил Йўлдош шу сатрларни битаётганда кўз олдига ёллари шамол, қиллари дўмбира торидек қайиш тулпорларни келтирган бўлса, не ажаб! Эҳе, жониворга берилган нисбатларни айтиб, тугатиб бўладими, дейсиз...

Жиззах вилояти Фаллаорол тумани, Коризкудук қишлоғида яшовчи Шертой Суёнов билан у киши кашф этган отларнинг янги қирралари хусусида ўртоқлашдик. Биз чавандоз ёшлигидан отга меҳри тушиб, уни парваришлаган, мактабига миниб борадиган ўн йиллик қадрдон оти касал бўлиб қолганида сўйдирмай, оқибат кафанлатиб, қабристоннинг бир четига кўмадиргани ҳақида ҳамқишлоқларидан эшитиб, ҳайратга тушдик. Ҳа, унинг руҳига отга меҳр ана шундай муҳаббат билан кирган. Шундан кейин у бутун фикри-зикрини от билан боғлади. Турли миқёсда ўтказилган улоқ-кўпқариларда Шертой, Фаллаорол, Жиззах, Ўзбекистон деган номлар фахр ва ифтихор билан тилга олинди.

Дарвоқе, мен ҳам у иштирок этган бир неча улоқларда бўлдим. Тўй бақовули бор овози билан вужудни титроқча солиб жар солади:

— Ай-ҳайлар, кўпқари бу марднинг ўйини! Соврингизни ҳалол қилиб олинг! Гирромлик қилманг, чилвир солманглар, бировнинг ердан олган улогига тармашманглар, чавандозни қамчи билан урманглар, йиқилган одамнинг устига от солманглар, от йиқитиб қочса, ушлаб беринглар! Энди олинглар, Худо мадақорларинг бўлсин!

Улоқ ташланган ерга саноксиз отлар ёпирилди! Тўдани ёриб кириб, ердан улоқни кўтариш, уни олиб чиқиб, ялов томонга қўйиш осон эмас эди. Шу пайт чавандозлар «Улоқ Шертойда кетди», деб қичқиришди. Бу йиғилганлар, томошабинларнинг олқишлари, ҳайқиришлари дилларни ларзага соларди. Одамлар ўрнидан турди, ҳамманинг эътибори улоқни тақимига босиб қушдай учиб бораётган Шертойда эди... Шертой улоқни маррага ташлади — одамлар энгил нафас ола бошладилар. Бақовул олинган совриннинг эгасини эълон қилди. Бу — бош соврин гижинглаган той эди!

Очигини айтганда, ўшанда авлодларга мана шундай мардона ўйинларни қолдирган аждодларимизга чин қалбдан миннатдорчилик билдирдим. Ҳали чавандоз Шертойни яқиндан кўргим келиб, совринлар бериладиган жойга бордим. Баланд пошналик, этик, ранги ўнгиб кетган шим, кулоқчини туширилган телпак кийган, бўлали, қоматидан куч ёғилиб турган чавандознинг бутун фикри-зикри улоқда эканлигини сездим. Унинг минган отичи?!



«Чавандознинг номини от чиқаради» — деган гап бор. Бутун Сангзор воҳасини изласангиз, Ихтиёр повоннинг отларидай отни тополмайсиз. Жиззах тумани, Саройлик маҳалласида яшовчи бу полвон чавандозларга от тайёрлаб бериб, ном чиқарган. У ўн олти йилдан бери шу иш билан шуғулланади. От боқиш, уни чавандозларга бериб, ном олиш уларга ота-бобо мерос. Амир бобоси 50-йилларда улоқ чопадиган отларни тайёрлаб бериш билан Республикада ном чиқарган эди. Унинг «Саман», «Қорабайир» насли отлари майдонга тушса, томошани кўрадингиз! Фақат улоқни маррага келтириб ташлаш эмас, томошабинларга салом бериш, бош қимирлатиб, миннатдорчилик билдириш мана шу отларга чиқарилганга ўхшарди. Тонгда кишнаса, бутун қишлоқни уйғотиб, чавандозларнинг вужудига куч-мадор жўнатарди. Бу отларни минган Шаймаҳон чавандоз, Кўбай чавандоз, Бўлис чавандозларнинг донги бутун Ўрта Осиёга кетган. Улар ер юзига от мана шу ҳудуддан



«АСЛ ТУЛПОР ЭКАН ЎЗБЕКНИНГ ОТИ...»

тарқалганлигини айтган тарихчиларнинг фикрини тасдиқлаётганга ўхшайдилар. Шу маънода Италиялик олим Франко Кардинининг «Европа отни Осиёдан олган» ёки «Европа рицарлари Фаргонанинг бедовларини минган» деган сўзларига яна бир бор имон келтираман. Бу сўзларни Шертойлар, Ихтиёрлар исботлаётдилар. Қозоғистонлик чавандоз Раҳматулла Махаев Ихтиёр парвариш қилган отларни миниб, энг юқори соврин олганини айтиб берди. Унинг тарбиялаган отлари чавандозга ёрдам беради, керак вақтида чўккалайди, улоқни чавандоз олгач, қушдай учади.

Шертойнинг бўйи ўртачадан юқори, пайлари бақувват, ушлаган улоқни қўйиб юбормайди. Тортишганда калхатдай чанг солади. Унча-мунча чавандоз яқинлаша олмайди. Буларнинг ҳаммаси ўзига бўлган талабчанлик, ҳаёт имтиҳонларидан ўтиш, мусобақаларга пухта тайёрланишнинг самарасидир. Ҳар бир улоқ-кўпқари ўзининг чавандозини чиқараверади. Шунинг учун ҳам хотиржамликка берилиш ярамайди. Шунинг учун ҳам Шертой машқларни сидқидилдан бажаради. Ақаси Бектой ҳам номдор полвон бўлган. Шертойга чавандозликни у ўргатган.

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Жиззах отчопари тантанали очилди. Бош соврин қилиб республикаимиз машинасозлик саноатининг янги маҳсули — «Матиз» энгил автомобили қўйилди. Ушанда чавандозларнинг, томошабинларнинг хайратини кўрсангиз эди! Ўйинни олиб бораётган, совриндорларни, чавандозларни таъриф қилаётган Нарзулла бахшининг сўзларини тингласангиз эди! Икки чавандознинг олишувлари... Шертой ва у минган отининг голиб чиқишида аждодларимизнинг руҳи мадад бўлди чоғи, отчопарга кираверишдаги асл тулпорнинг сиймоси намоён бўлди. Дил яйради, одамлар қувонди! Шертой ўзининг чавандозлик тарихида янги саҳифа очди. Бу саҳифадаги туйғулар бугунги кунда ёшларимизнинг қалбида от спортига муҳаббат уйғотмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ



ЙИГИТ АРМОНДА КУЙМАСИН

Оилада ўғил фарзанд туғилиши катта қувончдир. Чунки у отабобоси наслининг, касбу корининг давомчиси, ота-онанинг умиди, эртаси ҳисобланади. Ватан тақдири, ҳимояси ҳам улар қўлида бўлади. Шу сабабли ўзбек хонадонларида ўғилга муносабат бир қадар ўзгача. Уғил кўрмоқ алоҳида шарафдай қабул қилинади. Угли йўқ оталар уларини ўқсик, армонли ҳис қиладилар. Хатто мотам маросимларида ўғилсиз ўтган марҳум учун махсус айтиб йиғланади:

**Исмоилнинг уйга
Ғули район битибди.
Урнига ўғли йўқ экан,
Обғидан йитибди.**

Ғули район қиз фарзандга ишорадир. Ўғилсизлик наслиниг туғашига олиб келади. Марҳум ота-онани қабрга ҳам ўғил қўяди. Шунинг учун ўғли йўқнинг номи йўқола боради. Бу ҳолат қўшиқда «обғидан йитиш» сифатида ифодаланмоқда.

Йигит киши вафот этса, унинг дафн маросими ҳамма замонларда алоҳида эътибор билан ўтказилган. Бунинг йигит ўлими муносабати билан яратилган махсус йиғи қўшиқлари силсиласи ҳамда марҳумга бағишлаб ўтказиладиган қатор маросим-тадбирлар мисолида кўриш мумкин.

Марҳум йигит дафн маросимида ижро этиладиган йиғилар ўзига хос алоҳида туркумини ташкил этади. Уларда, асосан, илк йигитлик давридан йигитликнинг энг гуллаган даври — қирқ ёшдаги эр кишилар вафоти хусусида гап боради.

Йигит ўлими муносабати билан яратилган халқ йиғиларининг аксариятида фарзандидан бевақт айрилган ота-онанинг оху носили, ҳасрат-надомати, зорланиши, ўкинчи баён этилади:

**Йигирма ёшга етмай оламдан ўтдинг,
Бағримни тилибон қайларга кетдинг?
Отанг бечорани қақшатиб кетдинг,
Онанг бечорани ўтларда ёқдинг,
Мен йиғламай, энди кимлар йиғласин?**

Оғир жудоликнинг ўтли изтиробида тўлғониб яратилган бу айтим, гарчи бир она тилидан айтилаётган бўлса-да, аслида мотам маросимларида йигит ёшидаги фарзандидан айрилган барча оналар томонидан қуйланаверади. Бундай қўшиқларни ижро этиш орқали қуйловчи ва тингловчиларни юз берган фожиянинг бундан бурун бошқалар бошидан ҳам ўтганлигини, шундай дарду гамни бошқалар ҳам тортганлигини, ўлимнинг ёш танламаслиги — каттаю кичик — барчага баробарлигини, ҳамманинг тақдирида борлигини ҳис қиладилар. Ундан ўзига хос юпанч топадилар. Шу сабабли йиғи қўшиқлари ҳар қанча маҳзун бўлмасин, унутилмасдан яшаб келади.

Йигит жасадини қабристонга олиб кетишдан олдин, одатда, «От тўрлади», «Жар», «Тўн кийдирар» («Жомапўшон») каби махсус тадбирлар ўтказилади.

«От тўрлади» қадимий маросим бўлиб, бурунги аждодларимизнинг от тотеми билан боғлиқ ишонч-эътиқодларни асосида ҳар бир эркак киши вафоти муносабати билан ўтказилади.

Зеро, бурунги замонда ҳар бир йигитнинг саз от-улови бўлган. Эгаси ўлиб, эгасиз қолган отни ўртага олиб, сазд тушилган. Гуё шу йўл билан от руҳи эгаси кетидан нариги дунёга равона этилган. Шундан бўлса керак, ханузгача от, ит, ўқиз, қўй ва бошқа уй ҳайвонларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлган, ранжиган кишилар уларга қарата «Бега қолгур», «Эгасиз қолгур» дея қарғанади. Ушбу қарғишнинг моҳияти «От тўрлади» маросими моҳиятига тенг келади. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам

жониворнинг эгаси ўлиб, боқувчисиз қолиши, меҳрдан маҳрум бўлиши, эгасининг меҳрибонлигини қўймаб, у томон интилиши эътиборига олинади. Шу орқали ҳайвонга ҳам ўлим тиланади.

Дафн маросимида отнинг иштироки қадимдан муҳим ўрин эгаллаган. Э.Тайлор қадимда ҳалок бўлган жангчини оти, ўзига тегишли буюмлари билан бирга дафн этиш удуми бўлганлиги ҳақида маълумот берса, Н.И.Шатинова тоғли олтойликлар орасида марҳумнинг отини сўйиб, дафн маросими куни махсус таом пиширилганлигини, ўлкини дафн қилаётганда, унинг ёндирилган жасади қулига отнинг ёлидан қирқиб олинган толаларнинг ўраб қўйилганлигини, яна баъзан отни сўймадсан, унинг ёлидан қирқиб олиб, оловда куйдирилганлигини маълум қилади. В.П.Дьяконова эса жасадини туваликлар отга миндириб ёки боғлаб, дафн этиладиган жойгача олиб боришганини билдиради.

Хозирда ўтказиладиган «От тўрлади» маросимида марҳумнинг оти ёки бошқа бир от ясатилиб, унинг устига кийимлари ташлаб қўйилади. Аёллар от атрофида айланиб, йиғи қиладилар. У ҳақда М.Алавия ҳам айрим маълумотларни келтиради. Бухорода шу жараёнда айрим марҳум йигитнинг онаси тилидан мотам ёр-ёри қуйлаши кузатилади:

**Айвондаги тулпоринг эгасиз-ей, ёр-ёр,
Кишнаб-кишнаб тулпоринг, юрак тилар, ёр-ёр.
Белингдаги камаринг қайда қолди, ёр-ёр,
Енг шимариб чикардинг улоқларга, ёр-ёр.
Куйдирдинг-ку оламни ташлаб кетиб, ёр-ёр,
Сўлдирдинг-ку лоламини ташлаб кетиб, ёр-ёр**

Чимилдик кўрмай, ота-онаси бағрига ёр-ёр билан келин бошлаб келмай туриб бу дунёни тарк этган ёш йигит ўлимига ачинади, унинг ўтмишини хотирлаш, тириклигида амалга оширган хайрли ишларини ёдга олиш, ҳаёт лаззатларини татимай, қувлик ва оталик гаштини сурмай, у дунёга исзис кетаётганлигини ўқиниш гоёси бу хил айтимларнинг пайдо бўлиши ва аъёнаник ижро этилишига олиб келинган. Халқ орасида уйланмай, чимилдик кўрмай вафот этган йигитларга у дунёга армонсиз кетсин, деган ниятда мотам ёр-ёри қуйлиниши ўзига хос одат тусини олган.

«От тўрлади»га ўхшаш маросим Бухорода «Жар» деб юритилади. Унда йигитга мотам ёр-ёри айтиб бўлинган, марҳумнинг ошана-оғайчилари, ёш эркак қариндошлари от атрофида айланиб сазд тепадилар.

Халқимизда эркакларнинг энг бахтли, омадли онларида улар елкасига тўн ёпиш, тўн кийдириш қатъий аъёнага айланган. Шунинг учун ўғил болаларга хатна қилинаётганда, болаликдан йигитликка, йигитликдан эриликка ўтаётганлигини белгилаш, қўллаш мақсадига, албатта, янги тўн кийдирилади. Демак, тўн кийдирилиши йигитлигини, бир ҳаёт кўринишидан иккинчисига ўтишини ҳам белгилайди. Шу ҳаётдан марҳум йигитнинг руҳини тинчлантириш мақсадига ҳам эркак оламни кўрмоқли кетаётган йигитга махсус «Тўн кийдириш» («Жомапўшон») маросими ўтказилади.

Хуллас, йигит кишининг бевақт вафоти барчани ларзага солади. Унинг даҳшатини йигит ўлими содир бўлганда ижро этиладиган халқ йиғилари орқали янада чуқурроқ ҳис этиши мумкин:

**Тол ёғоч мевали бўлса,
Шохаси ерга тегмасин.
Навқирон ёшда ўлиб,
Йигит армонда қуймасин!**

Мотам маросими билан боғлиқ ҳар бир айтимда инсоний муносабатларнинг табиати, маҳзун-моҳияти муҳассамлашгани боис, улар шунчаки оддий мунгли йиғидангина иборат бўлмай, балки ўзига хос бадийий-эстетик қимматга эгадир.

**Даромой ўРАЕВА,
Бухоро Давлат
Университети докторанти**



Авваллари чет эл шаҳарларининг марказий кўчаларидаги турли рангларда ёниб-ўчиб, хар сонияда турли шаклга кираётган реклама ва эълонлар тасвирлари ҳавасимизни келтиргани рост. Айниқса, тунги шаҳар манзараси ранг-баранг товланаётган чироқлар ёғдусида ўзгача чирой ва гўзалликни тараннум этади.

Бугун бизнинг шаҳарларимизда ҳам юртимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларини кенг реклама қилиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Тарғибот тижорий ёки маънавий йўналишда амалга оширилади. Республика «Тасвирий ойна» уюшмаси эса кўпроқ элимизнинг қадриятларини, эзгулик ва яхшиликка хизмат қилувчи анъаналарни тарғиб қилади. Яъники, халқимиз маънавиятини юксалтириш ишига ўз ҳиссасини имкон қадар қўшиб келади. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа муддат ичида ижодий уюшма нафақат пойтахт, балки вилоятларда ҳам қизгин фаолият олиб бориб, биз ҳавас қилган афиша у тарғибот безаклари билан кўчалар, хиёбонларга зеб бериб, халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Ижодий уюшманинг Самарқанд вилоят бўлимида ҳам олиб борилаётган ишлар ўрнатқан даражададир.

Маълумки, Самарқанд шаҳри тарихий обидалари, машҳур бозорлари билан доимо сайёҳлар диққат-эътиборида. Регистон майдонида «Шарқ тароналари» халқаро мусика фести-

валининг доимий равишда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Ушбу фестивалнинг тўртинчи бор юқори даражада ўтказилишида ҳам айнан «Тасвирий ойна»нинг вилоят бўлими жонбозлик кўрсатди.

Борган сайин жаҳон мекёсида нуфузи ортиб бораётган, сайёҳларни кўпроқ жалб қилаётган шаҳарни чиройли безатиш, безатганда ҳам миллий анъана, удумларимизга мос қилиб, замонавийликка эришиш ҳамisha ижодий уюшманинг диққат-эътиборида туради. Бу ишларда бошқоқ бўлаётган уюшманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Нарғиза Фозилованинг (Сурати муқованинг 1-бетиде) тадбиркорлиги, гўзаллиқни, санъатни чуқур ҳис қилиб, ўз ишига татбиқ этиши жуда кўл келмоқда.

Самарқанд вилоятидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш мақсадида вилоят ҳокимлигининг қарори билан реклама ва ахборот воситаларини жойлаштириш тартибини мувофиқлаштириш идоралараро кенгаши тузилган эди. Кенгаш аъзолари томонидан вилоятда фаолият юритаётган ташкилот, фирма, қўшма корхоналар раҳбарлари иштирокида семинар, йиғилишлар ўтказилиб, улар ишлаб чиқариётган маийши ва истеъмол товарларини кенг тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар олдиндан келиштирилиб, қилинадиган ишлар белгилаб олинди.

Ҳозирги кунда «Шодлик» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган «Шодлик» маъданли суви, «Юлдуз»

(Ўзбекистон — Туркия) қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган пойфазаллар, «Дентамед», «Йодбар» тиш пасталари, «Нафис» чинни маҳсулотлари, «Сино» музлаткич ва совутгичлари «Белсам Гилам», «Самарқандмебел» ОТАЖ маҳсулотлари, «Самарқанд чой қадоқлаш», «Самарқанд-Бухоро-Афғон» қўшма корхоналари маҳсулотлари уюшма томонидан энг замонавий усулларда тарғиб қилинмоқда.

Республика талаба-ёшларининг «Универсиада-2004» спорт мусобақасининг Самарқандда ўтказилиши муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан шаҳарнинг асосий кўча ва хиёбонларини, янги стадионни, «Делфин» сув спорти мажмуасини, барча маъмурий биноларни, аэропорт ва автошоҳбехатни, таълим муассасаларини байрамона безатиш ишлари «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлимига юклатилди. Шу муносабат билан вилоят ижодкорлари орасида кўрик-танлов эълон қилинди. Энг яхши тасвирий кўргазмалар танлаб олинди. Шаҳар кўчаларига «Универсиада» эмблемаси туширилган 90 дона ёнар афишалар ўрнатилди. Спорт байрами кунни меҳмонларга хизмат кўрсатадиган юзга яқин «Отайўл», «Мерседес» русумли автобуслар байрамона безатилди.

— Ижодий уюшма ўз ишини шундай йўлга қўйиши керакки, — дейди биз билан суҳбатда уюшма бошқаруви раиси Нарғиза Фозилова — бизга — жамоамиз аъзоларига байрам тантаналарини ўтказишда ёзиб-чизиш ишларини бажарадиган ходимлар сифатида эмас, балки маънавият, маърифатни, том маънода гўзалликни тарғиб этувчи ижодкорлар сифатида қарашларини истаймиз.

Биз ҳам Шарқ дурдонаси бўлган Самарқанднинг кўрғига кўрк қўшиб, шаҳар ахли ва меҳмонларга кўз-кўз этаётган «Тасвирий ойна»нинг ижодий ишларига бардавонлик тилаймиз.

Ўқтамхон ХОЛДОРОВА

2004 YIL - MEHR VA MURUVVAT YILI.



MEHR QARASHLARDA, MEHR KO'ZDADIR - SAHOVAT AVVALO, SHIRIN SO'ZDADIR.



Илму иймон чироғи

(Алихонтўра Соғуний таваллудининг 120 йиллиги олдидан)

Хурматли «Гулистон» журнали тахририяти! Сизнинг Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» номли янги асари билан журнал ихлосмандларини таништириш таклифингизни эшитиб, хурсанд бўлдим.

Журнал ўз саҳифаларида ҳамisha миллатимиз маънавиятининг турли қирраларини акс эттирган улуғ алломаларимиз асарлари билан ўқувчиларини биринчилардан бўлиб таништириб келган. Бунинг мисоли сифатида яқин ўтмишда, яъни 1967 йили биринчи бўлиб Соғуний домла томонидан эски форсийдан таржима қилинган Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари билан халқимизни таништирганини эслайман. Домланинг кириш сўзи билан чоп этила бошлаган «Темур тузуклари» ўша пайтда жамоатчилигимиз орасида катта бир воқеа бўлган эди. У даврда «қонхўр Темур»ни оқлаб ёзиш катта жасоратни талаб қилар эди. Ваҳоланки, Алихонтўра ўз жасорати билан соҳибқирон Амир Темурни бизга танитди, унинг шон-шухратини ҳамоя қилди. Шундан бир йил кейин, яъни 1968 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И.М. Мўминов кўпчилик тарихчи олимлар муҳокамасидан ўтказган холда «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» рисоласида унга ижобий баҳо берди. Шундан кейин Ўзбекистон матбуотида деярли 25 йил давомида Амир Темур ҳақида маълумот берилмади. Фақат мустақиллик даврида тарихий адолат тикланиб, ўзлигимизни, давлатчилик илдизларимизни англай бошладик ва олимларимиз бу соҳада излаНИШлар олиб бориб, кўндан кўп асарлар яратдилар.

«Гулистон» журнали бошлаган хайрли ишини охирига етказишга мустабид совет тузуми имкон бермаган бўлса-да, миллатимиз келажаги учун жуда катта аҳамиятли бўлган Темур бобомизнинг ушбу улуғ асарини нашрдан биринчи бўлиб чиқариб, ўз тарихий вазифаси ва бурчини бажарди.

Энди ҳазрат Соғунийнинг «Туркистон қайғуси»га келсак, у 1966-1973 йилларда Тошкентда ёзилган. Бу асар шу юртда ва шу пайтда ёзилганлиги фактининг ўзиёқ эътиборга моликдир. Бу даврда мустабид тузум куч-қудратга тўлган, ўз сиёсатини

эўравонлик билан нафақат мамлакат ичкарисида, балки ташқарисида ҳам ўтказиб турган пайт эди. Унинг мафқураси халқимиз онгини, қалбини мажруҳ қилиб, ихтиёрий куллик занжирини бўйнига осган давр эди. Шу сабабли кўпчилик совет зиёлилари ҳукмрон маслакка қаттиқ ишониб, кечаю кундуз унинг хизматида бўлдилар. Қанчадан-қанча юксак қобилият эгалари, истеъдодли шоир ва ёзувчиларимиз бу сохта мафқура куйчилари, ташвиқот ва тарғиботчиларига айлантирилдилар. Улар тузумга тўғри бўлмаган бир оғиз сиёсий сўз, мустақил фикр айтиш у ёқда турсин, бу тўғрида ўйлашнинг ўзи нотўғри, телбалик, ақлдан эмас деб билишар, бошқаларни ҳам бунга ишонтириш учун барча минбарлардан ҳаракат қилишар эди.

Бошқа миллат вакиллари бўлган, совет тузумини қўрмай танқид қилган, умуминсоний қадриятлар тарғиботчилари, инсон ҳуқуқлари ҳамоячилари, академик А.Сахаров, ёзувчи А.Солженицин ва шулар сафидаги бошқа мустабид тузумнинг зулмини кўрган ҳақиқат ва адолат курашчилари тарих саҳнасида энди биринчи қадамларини қўймоқда эди.

Мана шундай муҳитда, яъни юртимизда ҳукм сураётган истибдод даврида, собиқ қизил империя худудида биринчилардан бўлиб, ўзбек фарзанди Соғуний бу тузум ва мафқура умуминсоний қадриятларга зид, инсоният тараққиёти йўлининг хато кўчаси эканлигини асослаб, ўз китобида баён этади.

Ўша даврда, Тошкентда махфий уй назорати остида яшаётганига қарамай, инсонлар ҳақ-ҳуқуқи, совет тузуми ва мафқураси ҳақида бор ҳақиқатни қайғуриб сўзлаш ва ёзиши — у кишининг иймон-этиқоди, маслак ва иродаси мустаҳкам бўлганлигидан далолат беради. Кўпчилик зиёлилариимиз у пайтда бу тўғрида фикр юритишга журъат этолмаганлар. Мустақиллик ҳақидаги гаплар эса қандайдир ҳаёлотга ўхшаб қўринарди.

Мана шундай — зулм ҳаддан ошган мураккаб кезларда ҳам Ватанимизда жадидлар деб аталмиш буюк боболаримиз қўлидан тушган байроқни кўтарган, мустабид совет тузумига қарши курашган, Ватан, миллат тақдири устида қайғурган

эътиқодли фидойи инсонлар бўлган дейишимизга «Туркистон қайғуси» асари асос бўла олади.

Соғунийнинг бу асари билан танишар эканмиз, муаллифда Ватан туйғуси ва ватанпарварлик ҳисси нихоятда ўткир экани кўзга ташланади. Мана шу мақаддас туйғу уни қартайиб қолганига қарамай, ўзи бошидан кечирган ва бевосита иштирок этган воқеалар мисолида Туркистон тарихининг қайғули даври ҳақида қалам тебратишга ундади. Муаллиф ёзади: «Ўтмиш тарихини унутиб, эндиги тарихини туймаган бир миллат қоронғуда қолган, қўлида таёғи йўқ кўр киши каби қаёққа оёқ қўйишини билмаганидан душман кетидан кетишга мажбур бўлади...»

Соғуний домла чинакам халқпарвар, ватанпарвар инсон сифатида халқига яхшилик қилиш орзусида яшади. Ўқувчи бунни китоб билан танишганда дарҳол сезади. «Мен... яратилишимдаёқ инсонпараст эдим, — деб ёзади изтироб билан, — халққа қайси йўллик яхшилик қила олгайман деб ёшлик-йигитлик даврларимни ғам-ғусса кунлари билан ўтказдим... Энди ёшим саксонга етиб, қариллик юки остида букила туриб... келажақ бўғин наслларимиз ғамхўрлиги учун шу тарихни ёзишга бошладим. Қаламим тилидан дардлик сўзларим қонли кўз ёшимга қўшилиб, бу китоб варақлари юзига тўкилмиш эди»... Тарихга муҳаббати бор ҳар қандай холис киши ҳам бу сатрларни тўлқинланмасдан ўқийлмайд.

Алихонтўра ёзадики, Ватанимиз Ўзбекистон мустақил тузум даврида миллий ўлка сифатида хароблашди. Ҳукумат эгаси бўлган келгиндилар меҳнаткаш халқнинг иқтисодий, маданий ўсишига йўл қўймади, дилини сиртмоқда тутди. Булар ҳақида изтироб билан ёзар экан, ислом дини билимдони Алихонтўра хулоса қилади: «Миллий ҳиссини йўқотиб, ўз миллатидан ажраш Қуръон ҳукми бўйича ҳаромдир».

Уша мудиҳ йилларда коммунистик мафкура халқимизни совет босқинчи тузумининг жонбоқар ғуломларию кўрқоқ манқуртларига тўла айлантириб бўлган эмас дейишимизга, куллик занжирини

бўйнига осмай қаддини кўтариб, душманга тикка бокқан, журват билан миллатимиз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган, у билан ҳеч қачон муроСага бормаган, виждони, иймонини сотмаган ҳақиқий миллатсевар, ватанпарвар, чин инсонлар Ватанимизда бўлганлигига бу китобни ўқиб, янада ишончимиз ортади.




Мустаҳкам иймон, буюк эътиқод, ҳаққоний мас-лак эгаси бўлган, Ватаним – Туркистоним деб қайғуриб йиғлаган, унинг озодлиги, истиқболи учун умр бўйи курашган, давр тузумининг сиёсий, иқтисодий таътирларига бардош берган инсонларни одатда миллатнинг виждони деб билишади. Шу нуқтаи назардан қараганда Алихонтўра Соғуний 1960-1980 йилларда ана шундай инсонлардан бўлган эди, дейишга тўла ҳақлимиз. У кишининг таълимоти замонамиз ёшларини юксак маънавият, ахлоқ, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш имконини яратади.

Шу сабабли миллий энциклопедияда номлари келтирилиб, фаолияти бошқа китоб, журнал ва газеталарда ҳам кенг ёритилган, асарлари олий ўқув юртларида дарслик қаторида ўрганилаётган, мактаб, маҳалла ва кўчаларга номи қўйилган Алихонтўра Соғунийни ва унинг ҳар томонлама чуқур асосланган Ватан озодлиги, юрт севгиси илгари сурилган гоЯларидан ёш авлод тарбиясида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унинг Ватанини, илмини, ўзлигимизни улуглайдиган шеър ва дostonлари фарзандларимизда миллий ҳис ва Ватан туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек миллатига мансуб эканмиз, унинг келажаги учун ҳаммамиз масъулмиз. Миллат ғами билан яшаган аждодларимиз орзиқиб кутган саодатли Истиклол кунлари Юртбошимиз етакчилигида Ватанимизга етиб келди. Ўзбекистон мустақил давлатлар ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Лекин жамиятимиз ривожига содир бўлаётган бугунги кун воқеликлари шуни кўрсатадики, миллий ўзликни англаш йўлида ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим. Бунда улуг алломаларимиз яратиб кетган таълимотлар, уларнинг зиёси ва ўғитлари халқимиз бирдамлиги учун асосий маънавий-руҳий таянч бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли миллатимизнинг истиқбол томон ҳаракатида йўл кўрсатгич шамчирокларидан бўлган домла Соғуний ҳақида жамиятимиз, биринчи навбатда, унинг онгли қисми – зиёлиларимиз умумий, асосли бир фикрни билдирганларида нур устига нур бўлур эди.

«Гулистон» журналининг яна биринчилар қатори Алихонтўранинг кенг жамоатчилик учун янгилик бўлган асари билан таништириш ташаббусига ҳам – шу йўналишдаги ҳаракатлардан бири деб қарашимиз мумкин. Бу – домланинг келгуси йили нишонланадиган 120 йиллик таваллудига ҳам тайёргарлик ишларини олиб бориш учун яхши имкониятлар беради. Насиб қилса, домла Соғунийнинг иккинчи китоби ҳам шу журнал саҳифалари орқали ўз ўқувчиларига етказилади.

Увайсхонтўра ШОКИРОВ
Соғуний набираси



Алихонтўра Шокирхонтўра ўгли Соғуний (1885 - 1976 йиллар) давлат арбоби, ҳарбий саркарда, олим ва табиб бўлган. Ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги Тўқмоқ (қадимий номи Болосоғун, Соғуний тахаллуси шу сўздан олинган) шаҳрида туғилган. Насл-насаби – андижонлик ўзбеклардан. Макка, Мадина, Бухоро ўқув юртлири ва мадрасаларида билим олган.

Маҳаллий халқнинг чор ҳукумати сиёсатиға қарши кўзғолонларида фаол катнашган. Совет ҳокимияти йилларида иккинчи бор муҳожирликка кетгунча (1930 йил) беш марта қатагон қилинган. Хитой тасарруфидаги Шарқий Туркистонда тўрт йил сиёсий маҳбус сифатида оғир азобларни бошидан кечирган.

1944 - 1946 йиллардаги уйғур ва бошқа ерли халқлар миллий озодлик ҳаракатиға раҳбарлик қилган. Шу инқилоб меваси бўлмиш мустақил Шарқий Туркистон жумҳуриятининг биринчи президенти, Миллий армия маршали – Алихонтўра Соғуний собиқ СССРға зўравонлик билан олиб кетилган.

Ул зот умрининг сўнгги 30 йилини Тошкент шаҳрида ўтказган. Туркистон ўлкасини озод, ҳур кўришни қалбдан истаган бу буюк инсон юраги 91 ёшида уришдан тўхтаган. Аллоҳ ул зотни раҳмат қилган бўлсин.

Алихонтўрадан авлодларға катта илмий-адабий мерос қолган. Домла Соғуний, аввало, диний илмларда кўзга кўринган йирик олим бўлган. Унинг «Тарихи Муҳаммадий» асари чоп қилинган (1991 йил, иккинчи наشري 1997 йил), олим бутун ислом оламида шуҳрат қозонди. Бундан ташқари у киши «Шифо-ул илал» («Касалликлар давоси»), «Асос-ул ислом» («Ислом асослари») ва «Туркистон қайғуси» асарларининг ҳам муаллифидир.

Олим «Темур тузуқлари», Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул вақоеъ», Дарвеш Али Чангийнинг «Муסיқа» рисоласи, Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» каби асарларни ўзбек тилиға таржима қилган. «Девони Соғуний» деб номланган шеърий тўплам ҳам яратган.

ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ

СЎЗ БОШИ

Бисмиллоҳир раҳмонир
роҳийм

Улуғ рухлик, тўлиқ ақллик кишиларнинг айтишларича, ҳар одам ўзида бор яхшиликларидан, ундаги илм-хунар фазилатларидан бошқаларга фойда еткүдек, кейингилар ибрат олгүдек бир асар ёзиб қолдириши, албатта, унга лозидир.

Мен, Али Соғуний, ёшлик-йигитлик кунларимдан бошлабоқ арабий, форсий тилларини тўлиқ равишда ўзлаштирдим. Замоннинг менга кўрсатган тўқсонликларига қарамай, Тангри ёрдамида кенг кўламда диний, тиббий, айниқса, тарихий маълумотларга эга бўлдим. Арабча, форсийчаларни ёзиш-сўзлашгана эмас, балки, бу икки тилда китоб ёзиш, шеър айтиш қобилияти менда бўлса ҳам, ўз туркий она тилимни бошқа тиллардан ортиқроқ кўрдим. Чунки, қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳоҳатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узокламаёқ, инсоний ҳуқуқларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инкироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих озидан йўқолишга мажбур бўладилар.

Юқорида оқиллар тилидан айтилган сўзга қараб, ўзимда топилган фазилатлардан тарих илмини танлаб олдим, чунки шу ҳозирги давримиз — 1966 йилда, ўз Ватанларида туриб ғариб бўлган халқимиз учун, тарих илми балиққа сув ўрнида бўлиши кўндан бери менга сезилмиш эди. Утмишдаги тарихини унутиб, эндиги тарихини туймаган бир миллат, қоронғуда қолган қўлида таёғи йўқ кўр киши каби қаёққа оёқ қўйишини билмаганлигидан душман етакчиси кейиндан кетишга мажбур бўлади. Очқик фикрли, сезгир Ватан ўғиллари тарихнинг қандай зарур эканлигини менинг шу сўзларимдан илҳом олиб, чүкур тушунишлари керак.

Энди, Ватаним мени суймас экан, мен уни севганлигимдан, улусим мени танимас экан, мен уни таниганлигимдан, Ватан устида бўлаётган тарихий ўзгаришларни ва ҳам бунинг келажагдаги яхши-ёмон натижаларини кўрсатиб, Ватан болаларига улғу (намунга) бўлгүдек, бошқалар бундан ибрат олгүдек тарихий бир асар ёзишга

киришдим. Бирок, мен ёлғизгина исломпараст эмас эдим, балки яралишимдаёқ инсонпараст эдим. Халққа қайси йўллик яхшилик қила олғайман деб, ёшлик-йигитлик даврларимни ғам-ғусса кунлари билан ўтказдим. Энди эса соқоқолим оқариб, қарилгим етди. Ёшим саксонга эришиб, ички-ташки кучларим орқага чекинди, қариллик юки остида бўлула туриб, олдимизда кўрина бошлаган ҳалокат чүкури яқинлашаётганига чидаёлмай, келажак бўгин насларимиз ғамхўрлиғи учун, ҳар ёқлама қийинчиликлар бўлса ҳам, шу тарихни ёзишга бошладим. Қаламим тилидан дардлик сўзларим қонлик кўз ёшима қўшилиб, бу китоб варақлари юзига тўқилмиш эди. Шунинг учун бунинг отини «ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ» қўйдим.

Мен бу асаримни, бундаги тарихий сўзларимни ҳозирги Ўзбекистон аталган ўз Ватаним улғу Туркистон номига ёзишим керак эди. Бирок бу ерларда бўлиб ўтган сўнгги кунлардаги энг оғир ҳодисалар, дахшатли воқеалар, тубсиз денгиз каби туганмас достон бўлгонликдан вақтинча бўлса ҳам уларни кўятуриб, шу кунларда аждархо озғига келиб, биздан ҳам илгарироқ ютилиш олдида турган Шарқий Туркистон устидан ёзмоқчи ортиқроқ кўрдим. Чунки бу ерда 1931 йилдан 1946 йилгача бўлиб ўтган улғу тарихий воқеаларга ўзим бошлиқ қилиб эмгаким (мехнатим) сингган, кўзим кўрган эди. Бошқа виждонсизлар каби тарих юзини қоралашдан сақланиб, ўтган ҳодисаларда бўлган воқеаларни ҳеч ёққа бурмасдан, бўлганича тўғри ёзишни ўзимга лозим тутдим. Лекин, бу икки ўлқанинг тарихи, сиёсий ҳоллари бир-бирларига қаттиқ боғланган эди ва ҳам бутун дунёга майдон ўқиган совет ҳокимиятининг 1917 йил — қурилган кунидан бошлаб 1931 йилгача ўтган дахшат-вахшатлик кунларни хирмондан бир донга, балки денгиздан бир қатра бўлса ҳам, ёзиб ўтмоқчи тарихий вазифам деб билдим. Шунинг учун чексиз қудратли улғу Тангрига сизинган ҳолда Шарқий Туркистонга ўтқунимча қўрганларимни, қилган ишларимни баён қилмоқчи бўлиб сўзга киришдим.

КОШҒАРГА ЎТИШИМ

Ҳаёт тарихи — инсонларнинг синфий курашларидангина иборат, деган хато фикр Карл Маркс томони-

дан ўртага етишган кунидан бошлабоқ, халқро ёпирилиб ётган ҳасад ўти кўзғалиб, инсон оламига фитнес-фасодлар эшиги очилмиш эди. Бу фикрни кўрларча қабул қилгүвчи одамлар кўлига ҳукумат ўтгандан сўнгра, халқ ўртасида синфий айирмачиликни ва ҳам хусусий мулкни йўқотиш учун, ишчилар ҳокимияти отидан дахшатли қонунлар чиқардилар.

Унинг натижасида қора ишчи, нодон деҳқонлардан бошқа халқ ичидон ҳақлик, ҳақсиз деган фитнес-фавғоси бошланди. Диндорларча — Аллоҳ одати, дахрийларча — табиат қонунига қарши туришиб, ҳаёт оламидо бир текис ҳақли яратилган инсонлар ичидан бир қисмини, ўзлари чиқазган ҳаёлий қонунларига асосланиб, ҳаёт ҳуқуқларидан бутунлай махрум қилдилар. Бу орқали отилган-чопилган ғуноҳсиз кишилар ҳисоби йўқ эди. Улардан ошиб қолган ҳақсизлар ва ҳам қочиб-писиб юриб қўлга тушмаган кишилар ҳақида ҳар турли жазо белгиласилар. Баъзиларнинг борлик нарсалари ёргу қилиниб, бола-чақалари кўчаларга ҳайдалиб, ўзлари узок ерларга сургун қилинди; кўплари эса, узун муддатли қамқоқа олиниб, оғир хизматларга солинди. Халқ ўртасидаги баъзи бир одамларни кўрқитиш ва алдаш йўллари билан ёширин хизматларга боғладилар.

Уруш-сўқиш ва қийнашлар дахшатидан имонлик-имонсиз, виждонлик-виждонсиз кишилар, бу мансабпараст жаллодлар олдида бир текис туришга мажбур эдилар. Чунки топшириқлари тўлиқ равишда бажарилмас экан, улар учун белгиланган оғир жазолар дарҳол амалга ошмоғи шубҳасиз эди. Ҳеч қандай ғуноҳсиз, ўзларига қарши деб билган кишиларни товуш чикмас ер ости уйларига киргизиб, қийнов остида ўлдириш каби ваҳшийликларни одатдаги ишларидан эди. Бу жаллодлар қўлига тушган бахтсиз мазлумлар, қийновнинг қаттиқлигидан кўнгилларидаги сўзлари, кўмилган молларини ёшириб қолиш буюн турсин, умрларида эшитмаган, киши ҳаёлига ҳам келмайдиган сиёсий тўхмат сўзларини икор қилишга мажбур бўлганликларидан, кўплари фожиали ҳалок бўлдилар.

Инқилоб бошланиш даврида кўзга қуринарли кишилар ўз уйларига сигманглигидан, мен ҳам ўз Ватаним — Тўқмоқ шаҳрида туролмай, биздан юз қакирим йироқдаги

Сўқулук деган жойда, тунгонлар ичида кун кечирришга мажбур бўлдим; чунки Бухоро ўқшиони шу замон одатича битириб қайтганим сўнггида, диний илм ўқувчилари оз бўлса ҳам шулар ичидан топилур эди. Бунинг устига улар бошқаларга қараганда, ҳар тўғрилиқ бизга ёрдамчи эдилар. Тунгон халқининг келиб чиқиши, тарихини ўрни келганда, албатта, ёзишимиз бизнинг вазифамиздир.

1919 йил охириларида Пишпекга қарашли Қораболта, Оқсув каби 18 рус қишлоқлари бирлашган ҳолда большевикларга қарши қўзғолон кўтаришди. Бойликка ботиб ётган Пишпек, Сўқулук тунгонлари ҳам тушунмасликдан бу ишга қўшилиб қолдилар. Натижада тортуқлук бутунлай улар устиларига қушиб, энг оғир зарбалик калтаклар булар бошларида ушатилди. Шундоқки, беш юз уйликка етмаган Сўқулук тунгонларидан саккиз юз кишини ҳайдаб келиб, бозор ўртасида пулемётга тутдилар. Улар ичидан ўк тегмай қолган ёки ярадор бўлиб, жони чикмай турганларни қизил аскарлар оралаб юриб, найзалаб ўлтирди. Қўзғолончилар маркази бўлган беш минг чамали Оқсувлик руслардан илгари-кейин бўлиб, ўлим жазоси кўрганлари ўттиздан ошмаган эди.

Аллоҳ сақласа бало йўқ дегандай, шу йили Сўқулукга боришдан мени сақлаб, бу каби натижасиз қонлик қўзғолон офатларидан ўзи асра-мишди. Шу воқеа бўлишида мен Тўқмоқдан саккиз чакирим шимол тарафидаги тунгон кишлоғи - Қорақўнғиз масжидида эдим. Пишпек, Сўқулук қочоқлари қилч, милтиқ каби борлик қўролларини осинган ҳолда таниган, танимаган аралаш мени қора тортиб устига тушдилар. Буни кўришган масжид қавмлари ўз бошларидан қўришиб ва яна мени аяшганикларидан, уларни бу ерда қўндирмаслик учун маслаҳат кўрсатган бўлсалар ҳам, мен бунга розилик билдирмадим. Бу каби улус офатлардан мени неча мартабалар асраб ўтган меҳрибон Танграм илтифотига ишонганлигимдан, бу мазлумларни эрларча очик юз билан қарши олиб, синик кўнгилиларни кўтардим. Бу ерда ёшириниб олиш имконияти йўқлигидан, бош-оёғи икки-уч кун туришигандан сўнг, Олмота, Еркент чегаралари орқали Фулжага ўтмоқчи бўлиб кетдилар.

Сўқулук тунгонларининг тузларини татиб, яхшиликларини кўп

кўрган эдим, уларнинг ичида ишонимлик шогирдларим ва дўстларим кўп эди. Бундай вақтларда бориш хатарлик бўлса ҳам, чидаб туролмай уч-тўрт шогирдим билан бир арава киши бўлиб, Сўқулук томонга йўл тортидик. Пишпекка келгач, тунгон қалъаси йўл устида бўлганликдан, уни оралаб ўтишга тўғри келмиш эди; яқинлашиб борган сайин бундаги кўз кўрган кўнгилсиз нарсаларни тил сўзлаб, қалам ёзиб чидаёлмайди. Интизомлик аскарларга, қуролик кучга, тили бўлак, дини бўлак бир қанча йғинди қўли қуруқ, қора куч қишлар қандай қарши тура олсинлар?

Табиат оламига Илохий томондан юборилган улус пайғамбарлар ҳам, шу табиат қонунарига бўйинсунмасдан бошқа ҳеч чоралари йўқдир. Уруш фанларининг қонуни бўйича: аскарларнинг сон-саноклари, қурол-жабдук ва аскарни интизомлари, энг бўлмаганда, душманниқдан тубан ва оз бўлмаслиги биринчи шартдир. Агар шу шароит қўлга келар экан, у ҳолда диний, миллий ҳақоратга бўйсунмасдан, душманга қарши қуролга қўл сунуш, албатта, фарз бўлур. Бундай имконият бўлмаган тақдирда, ўзини ўринсиз ўтга урушдан сақланиб, вақтинча сабр қилишдан бошқа чора йўқдир.


Биз ҳозир шундай шароитсиз, оғир аҳвол устида турибмиз. Маҳалла кўчасидан ўтаётганимизда йўл бўйлаб, талан-булан қолдиклари, чочилиб ётган нарсалар, кўйдириб-ёндирилган иморатлар ичида вайрон-талкони чиқиб, йиқилиб ётган томлари кўзга ташланмоқда эди. Буларни кўргач, кўз ёшимиз қуримасдан, шу органимизмизча мазлумлар қонлари билан бўёлган Сўқулук кишлоғига кирдик. Бу воқеа ўтиб, ортидангина борганимиз учун, мусулмонлар отилган-чопилган кўча қонлари тозаланган бўлса ҳам, қиргиннинг бошқа белгилари йўқолмаган эди. Соққи кишилари бизнинг бошқа ёқдан келганимизни кўриб, олдимиздан тўсиб, идораларига бошладилар. Улганларнинг хотин-қиз, етим болаларига аталган бир қанча кийим-бошларни кўрсатиб, ёрдам учун келганимизни билдирди. Сўнгра, йўл хатларимизни текшириб, бизга рухсат қилган бўлсалар ҳам, яна орамизда ишонмаслик пайдо бўлиб, анчагина сўз ўтмиш эди.

Маълумдирки, маҳкумиятда зилдан, қуролсиз, дудук тиллар голибият зулми билан гурурланиб тур-

ган, ҳар бирининг тумшуғидан тўнғиз қурти тушган қуроллик, шаҳдам тиллар олдида нима дея оладилар? Шу билан голиб душман олдида, қандайдир қутулиб чиқганимиздан сўнгра, ёрдамга келтурган оздир-кўпдир нарсаларимизни тарқатдик. Улганлар оилаларига кўз ёшимиз билан қироат ўқиб, кўнгил айтдик. Бу фойдасиз фитнада маним ўз шогирдларимдан йигирмадан ортиқроқ киши шахид бўлмиш эдилар. Булардан энг катталарининг ёши ўттиздан ошмаган эди. Шундай қилиб, бу жойда икки-уч кун турганимиздан кейин яна Тўқмоққа қайтиб келдик.

Қиш ўтиши яқинлашиб, ердан қўкатлар янгиғина бош кўтармиш эди. Бир куни эрталаб кўча ашиғимиздан киши чакирган товуш эшитилди. Қарасам, ўз маҳалламиздаги Мирзабой деган киши экан. У мени кўргач, кўзига ёш олиб: «Сизга яхшиликдан бошқани тиламайми. Ҳозирги ҳукумат олдида, эшитишим бўйича, устингиздан ҳар турли хабарлар бор ўхшайди. Эндиги маслаҳат шулки, манаву ишлар юз бости бўлгунча, ўрин ўзгартиб, бошқароқ ерда туришингиз яхшироқ кўринади», — деди. Унинг бу сўзидан ўйланиб, қандайдир эҳтиёт юзасидан, ёт бир ҳукумат тупроғига ўтмоқчи бўлиб, сафар жамолгоҳига киришдим. Лекин бошқа чегаралар биздан йироқ бўлганликдан, Кошғар томонига ўтишни маъқулроқ кўрдим. Жонфидо шогирдларимдан тунгон Довудхожи сафар йўлдошим бўлиб, йўлга тушдик.

Болосоғун-Тўқмоқ билан Кошғар оралиги отлиқ ўртча юришда ўн-ўн бир кунлик йўлдир. Болосоғун шаҳрининг эски туркча номи Моқул болиғ бўлиб, моқул — яхши, болиғ — шаҳар демакдир. Исломдан кўйиллар илгари Иссиқкўл бўйларига қайиб Бешболиғ билан Болосоғун шаҳарларида уйғурларга ўхшаш ўтроқ маданий туркларидан ўғуз турклари яшаган эди. Рум подшоҳларининг лақаби Қайсар, эронийларники Хисров бўлганидек, Бешболиғ, Болосоғунга ким подшоҳ бўлар экан, унга Эдиқут лақаби қўйлуру эди. Ҳозир ҳам Иссиқкўлнинг кунгай, терсқай томонларига сув ичида қайиқ билан юрган кишиларга Бешболиғ харобалари кўриниб туради. Биз бола вақтимизда кўлнинг савёроқ еридан бир ҳаммом биноси топилимиш эди; ундан чиққан пишик гишлардан қирғизлар олишиб, улкан манналар қабрлари устига бир неча



гумбазлар яساتганлари ҳали эсимизда бордир. Кўннинг тўқтинлари билан чет ёқага сурилиб чиқиб қолган ўша замоннинг уй асбоблари, деҳқончилик саймонларини шу кунгача ҳам топиб оладилар. Бу Бешболиг шаҳрининг ҳароб бўлишига келсак, биз кўрган тарихларнинг ҳеч бировида бунинг баёни кўзимизга тушмади. Ўтмишдаги табиат ўзгаришлари орқали, ер тебраниши билан шаҳар ўринлари кўлга айланиб, сув остида қолган бўлиши ҳам мумкиндир. Қандай бўлса ҳам, Бешболиг обидаларидан топилган асарлар эскидан бери ўтрок туркларда илм, маданият бор бўлганлигини билдиради. Болосоғун милoddан икки минг йиллар илгари ўтган Эрондаги Қиёний подшоҳларидан Кайковуз, Кайхисровлар замондоши – эронча Афросиёб, туркча Дўқуҳон аталган турк ҳоқонининг учинчи пойтахти бўлган экан. Унинг биринчи пойтахти – Самарқанд бўлишини эски тарихчилар шубҳа қилишадилар. Бироқ шаҳар четигада кенг майдон харобаси, ерлик халқ оғзида, Афросиёб аталиши ва бу яқинларда у ердан милoddан эски давр асарлари топилиши, турк ҳоқони пойтахти Афросиёб бўлганлигига қувватлайди. Бунга кўра Самарқанд шаҳри жаҳонгир Искандар Македоний томонидан қурилган, деган баъзи тарихларда ёзилган сўз асосси бўлиб қолади, чунки Искандар Афросиёб давридан кўпкейин келганлиги ҳаммага маълумдир.

Тарих ҳижратнинг 536-чи йили қорахитой хони Гурхон билан султон Санжар Биноканд яқинида тўқнашиб, султон Санжар қаттиқ енгилмиш эди. Бу урушда Санжар аскаридан 30 минг киши қурбон бўлишидир. Шу билан бутун Мовароуннаҳр Санжар қўлидан чиқиб, 71 йил қорахитой Гурхон қўлида қолади. Сўнгра хоразмлик султон Муҳаммад Гурхон аскарини Бухоро, Самарқанд, Фарғонадан хайдаб чиқаради. Тароз-Таласда (ҳозирги Жамбул) бўлган урушда Гурхон тарафдорлари қаттиқ енгилиб, бош кўмондонни Тоянгу асир олинмишдир. Буни англагач, Гурхон Олмалиғ, Бешболиг туркларидан ўз кўмондасида кучлик қўшин тузиб, кетган ерларни қайтариб олиш учун йўлга чиқади. Тароз ғалабасидан сўнгра султон Муҳаммад Тоянгу бошлиқ бутун асирларни олиб Хоразмга қайтиши эди. Гурхон бу хабарни эшитиши билан бутун борлиқ аскарини унга қарши кел-

тириб, яна Биноканд яқинида икки ҳукмдор кўмондонлиги остидаги турк аскарлари энг қаттиқ жанг қиладилар. Бу урушда Гурхон тарафдорлари очик енгилган бўлмасалар ҳам, унинг аскарлари орқага чекинишга мажбур бўладилар; чунки бу ордада Олтойдаги Найман туркларидан Тоянгухон ўғли Кушлухон Гурхонга қарши орқа томондан хужум бошлаб, Олмалиғни олиб, Болосоғунга келаётган хабарини онганимиш эди. Бу чекинишда хоразмийлар орқадан тақамиш бериб, Тарозга етгунча қувгин қиладилар. Бу ерда ҳам Гурхон тўхтаб қаршилик кўрсатмагач, бу чекиниш уруш алдрави бўлмасин деб, султон Муҳаммад шу ерда тўхталиб қолади.

Гурхон шу юрганича юриб, Болосоғунга келишидир. Қараса, қалъа қапқоқлари унинг юзига ёпилимиш эди, чунки бу ердаги ўғуз мусулмонлари Хоразмшоҳнинг Гурхон устидан ғалаба қозонганлигини онглашиб, унинг томонидан қўйилган шаҳар босқоқларини ўзига қаршилик кишиллари билан қолдирмай ўлдиришиб, Султон аскарининг келишини кутишмоқда эдилар. Лекин уларнинг Гурхон ортидан ета келиб, душманга энг сўнгги зарбани бергудек кучлари йўқ эди. Шунинг учун ердасиз қолган Болосоғун мусулмонларини, кўчманчи турк улусларининг ҳар туридан тўпланган қўшин билан келган Гурхон қаттиқ камал остига олади. Қурол-жабдуқлари тўлиқ, уруш устидан қайтган, қизикқон, ўлжаларига етолмаган, қўллари қуруқ, оз бўлганда юз минг чамалиқ аскар қаршисида у замон шароитига кўра бир шаҳар халқи қандай чидаб тура олсин?

Қамалдан ўн олти кун ўтгандан сўнгра, оч бўридек очикқан кўп аскар куч билан кириб, шаҳарни оладилар. Ўлжа асирлардан бошқа бу урушда мусулмонлардан 70 минг киши ўлдирилмиш эди. Шу билан Ўғузхондан қолган эски маданиятдан намуна бўлган, ўтрок ўғуз туркларининг маркази саналган қутлў Болосоғун шаҳри ҳаёт оламидан кўз юммишдир. Чингиз даврига келгунча, Туркистон халқи ичида бундай киргин бўлиб, кўпкун тўқилмаган эди. Бу шаҳар ҳозирги вақтгача (1966 йил) ўзининг ўтмишдаги шонлиқ шарафининг таниклик белгилари бўлган Окешин, Тўрткўл, Буруна харобаларини қолдирмишдир. Бу ерда ноҳақ тўқилган қонлар эгалари Буруна мино-

раси орқали хануз шаҳодат бармоғини кўтариб, ўзларининг исломиятларини сўнгиларига билдириб турадилар.

Бутун турк улусининг энг эски маданиятли адабий тили ҳисобланган «Қутатгу билик» (Қут отлик билим) китобини ёзган Юсуф Хос Ҳожиб шу Болосоғунлик эди. Ислом оламида шухрат қозонган машҳур лугат китоби «Сихох Жавҳари»ни арабчадан форсчага таржима қилгувчи Жамол Қарший ҳам шу Болосоғунликдир. «Тарих-и Рашид»нинг эгаси Мирзо Муҳаммад Хайдар кўраган, бир вақтлар Болосоғунда озолаб китоб тасниф қилгувчилар бўлганлигини шу тарих китобида ёзмишдир.

1908 йили Болосоғун харобатидан ўн беш чақиримча шимолда, ҳозирги Тўқмоқ шаҳрида бир қабртош топилган эди. Ундаги арабча хатни ёшлигимда ўзим ўқиб чиқарган эдим. Орадан 60 йиллик узок вақт ўтган бўлса ҳам, мазмунини ёдимда қолмишдир. Шу қабр эгаси ўз замонасида энг улуг олимлардан бўлиб, бир неча китоблар тасниф қилганлиги, ёши ўттизга етмай туриб, 500-ҳижрийда шахид бўлганлиги маълум бўлади. Бу тошдаги бутун хатларни ёзиб олишга қизиққан бўлсам ҳам, унга улгуролмай қолдим, чунки у тош Тўқмоқдаги тунгон бойларидан бўлган Маҳаммадхон Писангўй уйида сақланур эди. Одат бўйича, мусулмонларнинг байрам кунлари уларни табриклаш учун руслардан бир неча шаҳар бошлиқлари келимиш эканлар. Киши кўнглига қизиқарлик, кўриниши ҳайкал мисоллик бўлиб, унинг тоқчасида турган бу тошга уларнинг оқ кўзлари тушган: «У нима?» — деб сўрайдилар. Маълумот топгандан сўнгра: «Буни биз оқ подшоҳнинг музейига юборамиз» — деб олиб чиқиб кетган эканлар. Шундай қилиб, бошқа нарсаларимиздан ажралганимизда, бундан ҳам ажраб қолганмиш. Йўқ эса, тошининг бош оёғигача бўш ўрин қолдирмай, анчагина тарихий сўзлар ёзилмиш эди.

Ҳар ҳолда, боши Иссиққўл, оёғи Мерки, етти-саккиз кунлик йўл бўйлаб туташган харобалар, узун йиллардан бери булардан чиқаётган эскилик тарихий асарлар, ўз даврида бу ерлар маданий ўтрок ўғуз туркларининг ободон шаҳарлари бўлганлигини исботлайди.

(Давомли)

*Дунёдаги кўнраб мамла-
катларнинг кучли спорт-
чилари орасида биринчи
булиш, Ўзбекистон шағни
ва шон-шухратини улуғ-
лаш - инсондан чинакам
жасорат ва иродани,
фидойиликни талаб
этади.*

Ислом КАРИМОВ



Александр ДОКУРИШИВИЛИ
XXVIII Олимпия ўйинлари
чемпиони




Артур ТАЙМАЗОВ
XXVIII Олимпия ўйинлари
чемпиони





Магомед ИБРАГИМОВ
XXVIII Олимпия ўйинлари кумуш
медали соҳиби



Ўткирбек ҲАЙДАРОВ
XXVIII Олимпия ўйинлари бронза
медали соҳиби



Баходиржон СУЛТОНОВ
XXVIII Олимпия ўйинлари
бронза медали соҳиби



**Биринчи тоифали
мураббий
Бакир Зайтуллаев
ўз шогирдлари
билан**

ОДАМЛАР

Одамлар бор юрт гамини ўйлаган,
Кўринганга бахти иҳбол тиллаган.
Одамлар бор борқини элга тўтиб,
Саодатдан, камолотдан сўйлаган.

Одамлар бор ҳеч қўлаги тўймаган,
Яхшига ҳам ёмонлигин қўймаган.
Қирга чиқса, тоққа чиққанчдек бўлиб,
Усб-унган заминни қўрмаган.

Зимдан боққан одамлардан қўрқаман,
Тезда ёққан одамлардан қўрқаман.
Ёқиб-ёқиб, кракларни ёндириб,
Тутдэк қоққан одамлардан қўрқаман.

Ким ердан узилиб кетса гар ўйроқ,
Дилига тўлади шунча кўп фироқ.
Иққилиб, сўнг чил-чил синиқдан қўра,
Авола-бошдан оғоҳ бўлган яхшироқ.

Дунё деб имондан тонманг, одамлар,
Ёлғиз омонларда ёнманг, одамлар.
Ота-онангизнинг изларин ўпинг,
Кеч бўлгач, зафлатда қолманг, одамлар.

Инсонга берилар бир бора ҳаёт,
Ортағиздан қолсин фиқат яхши ол.
Фарзанчларга беринг меҳр ва шафқат,
Йўқса, умри бўлар ҳазондек барбод.

Ўтқинчи ҳисга хирс қўймаг, одамлар,
Ҳақни ноҳақликка йўймаг, одамлар,
Кўз-кўзга дўшманлик қилмасин сира,
Ҳар-бир дам вақимат, ўйланг, одамлар.

ШОҲИМАРДОНДА

Яна келдим, қадроним тоғ,
Оқсув, Кўксун бағридаги боғ,
Кўз олдудек атиреуларим,
Бедана-ю шўх бўлбуларим.

Чўпон кетиб, увоқ-увоққа,
Паровандир қўй-қўйчоққа,
Ғала-ғала эчки сурунни,
Босиб жўшар шодлик суруни.

Кўм-кўк арчаларини тураши,
Одуларини сақраб юрши,
Оғни йиғит отанига ўйс,
Тезмандан дил бўлади тўйс.

НИЛУФАР

Ётемирларнинг кўшиқларида камолатнинг рақсини кўрдим

ЎЗОНДАЙ АСРАДИНИ

Зиллатлиги, ширин тасъилиги
Толдан сизиб, чиққан булоқини.
Худибўйлиги ва кўркамлиги
Ястангани кўм-кўк ўтлоқини.

Гоҳ маърибдан, гоҳо маъриқдан
Ёсиб турар безубор сабо.
Кўйлаб оқабган арқидан
Эшитилар ёқимли наво.

Тов аёлин юзига боқиб,
Кўйи тафтин аксини кўрдим.
Ёмишларнинг кўшиқларида
Камолатнинг рақсини кўрдим.

Тов бағрида мен елдек учиб,
Ўйониди қалбимга завоас.
Гоҳ Оқсув, гоҳ Кўксундан ичиб,
Тўйиб-тўйиб оламан нафас.

* * *

Ўелим Бобирхоннинг таваллуғида

Яхшига яхши-ю ёмонга ёмон,
Элим деб, юртим деб яшиди доим.
Уни панохинда асрагин омон,
Боламнинг умрини беринг, Илоҳим.

Юзиди, кўнгида марднинг сўрати,
Ота-боболарга ҳос-дир жўрволи.
Ғурури, сурури, бори ҳислати
Элими, юртимга бўлсин хизмлати.

Қўйғ сизда ҳам фарован фарзанд жақнда,
Дуго алмоқликни қилмайди қангда,
Менинг бахтим — унинг бахти, иҳболи,
Шукр, камолини кўрминг Ватанда.

Ҳали арчулари ғувоғ низоят,
Эзу ниятлари бўлсин ижобат.
Боссан ҳар қадамим айласин қутлуғ,
Унинг умрин сўраб қилай ибodat.

Бахтимга чанг солганлар бўлди,
Тахтимга чанг солганлар бўлди,
Омоним ҳам оланлар бўлди,
Чидадим бироқ,
Болаларим жондай асрадим.

Оқ юзимга доғлар тиридилар,
Азлу ҳушим бошдан учдилар,
Ғажлар келиб мени қўчдилар,
Чидадим бироқ,
Болаларим жондай асрадим.

Қалдираюндай янаб ин қурдим,
Ўйда йилаб, кўчада қурдим,
Эл ичига лек маърур қурдим,
Чидадим бироқ,
Болаларим жондай асрадим.

Полопонлар учиб кетдилар,
Қай бир мақсадларга етдилар,
Ўтган қирғини ҳам унутдилар,
Чидадим бироқ,
Болаларим жондай асрадим.

Этдан тириқ олмақ бўлдилар,
Қанча ларғида ҳамроҳ қилдилар,
Ҳатто эйра солмақ бўлдилар,
Чидадим бироқ,
Болаларим жондай асрадим.

Онайдийн она бўлар ким,
Жонин тўтиб, сарға қилар ким,
Қўйноқларим қачон биларкин,
Чидадим бироқ,
Болаларим жондай асрадим.

Ёмонлар-ла қурашиб толдим,
Мен уларни ҳудова солдим.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ УЙЛАБ

Халқимизда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деган мақол бор. Зеро, кўнгилдагидек дам олган кишигина бардам ва кўркам кўринади. Дам олишнинг эса турлари кўп. Бир меҳнат турини иккинчисига алмаштириш — ақлий меҳнатдан кейин жисмоний билан шуғулланиб ёки мириқиб ухлаб, ҳордиқ чиқариш мумкинлигини яхши биламиз. Бироқ ҳам ҳордиқ чиқариб, ҳам саломатликни тиклаб, санаторий, курортларда дам олиш одамни тетиқлаштириб, анча вақтгача меҳнатга лаёқатини оширади.

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида жуда кўпхайрли тadbирлар амалга оширилмоқда. Бу, албатта, озод ва обод ватан келажагида ҳозирги ёшларга улкан умид боғланганлигидан нишонандир.


— Соғлом авлод ва баркамоллик ҳақида сўз кетганда, ўйлайманки, биринчи навбатда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш ўз самарасини беради, — дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси курортлар Бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев. — Келажаги порлоқ юртимизни бунёд этаётган инсонларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва меҳнат кучоғига куч тўллаб қайтиши йўлида муҳим тadbирларни амалга оширмоқдамиз. Бошқармамиз тизимида 19 та оромгоҳ бўлиб, бу масканларда йилга 50-55 миң аҳоли ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклаб қайтади. Авваллари дам олиш учун имконияти борлар Қора денгиз бўйларидаги курортларга боришарди. Ҳозирги кунда юртимиздаги барча санаторийлардаги шарт-шароитлар дам олувчиларни қониқтирмоқда. Биз ҳам ўз навбатида санаторий-курорт хизматини кўрсатиш сифатини янада яхшилаш билан соғлом авлодни тарбиялаш ишига ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу билан мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва маънавий ислохотларга мос тарзда қадам ташламоқчимиз. Хусусан, республиканинг олис ҳудудларидан саналган Оролбўйи минтақаси аҳолисига алоҳида эътибор қаратганмиз. Ҳозир Қорақалғоғистонда «Гулпаршин» оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Тахтақўпридаги «Айдасқалъа» оромгоҳи эса фойдаланишга топширилиш арафасида. Хоразмдаги «Хонқа» оромгоҳи 2002 йилдан буён дам олувчиларни чорлаб турибди.

Дам олиш масканлари тармоғини кенгайтириш, қайта жиҳозлаш ишлариغا аҳамият бермоқдамиз. Жумладан, «Чортоқ», «Бўстон» оромгоҳларида сув билан даволаш йўлга қўйилди. «Оқтош» санаторийсида эса бассейн ва иккита янги — 10 оилага мўлжалланган люкс хонали коттежлар бунёд этилди. «Турон» санаторийсига иккита оилавий коттеж, 33 ўринли саломатликни тиклаш бўлими барпо этилди. «Чинобод» оромгоҳининг беш каватдан иборат 12 ётоқли биноси замон талабларига мослаштирилди. Айни пайтда «Чимён», «Бўстон», «Оқтош» оромгоҳларида кўпқаватли, замонавий ётоқ биноларини қуриш ва қайта тиклаш ишлари давом этмоқда.

— Оромгоҳ ва сихатгоҳларда замон талабига жавоб берадиган даволаш-диагностика базиси, функционал диагностика хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, УЗИ ва рентген хоналари қайта таъмирланмоқда, — дейди бошқарма бошлиғининг гапларига қўшимча қилиб, курортлар бошқармасининг даволаш-саломатлаштириш бўлими мудири Худойберди Раҳметов. Кейинги пайтларда руҳий, рефлексия-магнито, лазер, инфра-қизил нурлари терапияси каби янги даволаш усуллари йўлга қўйилди. Сирасини айтганда, оромгоҳларимиздаги бундай қулайликларни вужудга келтиришда Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгированинг ёрдамлари катта бўлди. Ҳозир «Чимён» оромгоҳидаги «Мацеста» сувига хос водород-сульфидли, «Чортоқ», «Хонқа», «Нихол» масканларида йод ва хром сув билан даволаш йўлга қўйилган. «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи хоса» ва «Қосонсой» дам олиш масканларида «Сахи», «Евпатория» оромгоҳларидаги каби муолажалар амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, курортлар бошқармаси мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш билан соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиш йўлида бундан буён ҳам ҳаракат қилаверидаи.




АКМАЛ ЙЎЛДОШЕВ



ХАЛИМ МАҲМУДОВ




Хайрулла МАХСУМОВ



Худойберди РАҲМАТОВ



Бозорбой ЖУМАОБОВ



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ЙИЛИ

Зиёфат уч соатлар давом этди. Марказдан келган меҳмонлар (ичувчилар) меҳмонхонада ўтиришар, намозxon қариялар — айвонда, ammo ўртадаги дераза ланг очик — ичкаридаги гап-сўзлар ташқарига, ташқариники ичкарига эшитилиб турарди. Назар қассоб баайни "чирей-чирей", яъни икки онани эмаётган бузоққа ўшар эди. Хоҳласа чоллар ёнида ўтириб, энди хафталаб давом этадиган тую кўпқари тафсилотнинг "бисмилло"сини эшитар, ичкаридаги гаплар қизикроқ туюлса, оқсоқоллардан чиройлигина узр сўраб, меҳмонхонага йўргалар эди. Бўри Қора ҳар икки давранинг ҳам соҳиби даврони бўлиб, зигирча камчиликка йўл қўймастик учун нафсини ҳам тийиб, узатилган ароқдан хўплар ёки Акмалнинг кўзини шамғалат қилиб ароқли пиёлани Тошкент суви қуйилган пиёлага алмаштириб кўтарарди.

Кимлар ўтиришибди унинг меҳмонхонаси тўрида? Вилоятни сўраб турганлар. Булар билан шунчаки қўл бериб кўришиш ораусида юрганлар озми?

Ана шундай қўли узун ва бообўру зотлар — Бўри Қоранинг "дўстлари"... Истаган пайтида уларнинг ёнига ўтиб, пичир-кучир қилиши ва ҳатто елкасига қоқиб қўйиши ҳам мумкин. Ташқаридаги оқсоқолларнинг ҳам чақирилгани, тўғрироғи, келишгани ҳўб иш бўлди-да! Аллоҳ буларнинг назаридан қолғулик қилмасин! Бир кунда номинг қора бўлиб, авомнинг нафратига йўлиқшинг мумкин. Яхшиям Бўри Қора амалдорлик чоғларида биров-яримга яхшилик қилиб юборишни унутмаган, қаттиққўлиги, кўполлиги билан қанчалик танилган бўлса, дафъатан раҳмдиллиги-хайрихоҳлиги билан-да танилган экан.

Мана, амалдан тушиб ҳам назардан қолмади. Бунинг устига, эл-улуснинг жон-дили ҳисобланмиш эски урф-одатларнинг фавқулодда "суянчиги" бўлиб танилдики, яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам уяси ҳисобланмиш туман қариялари — гапга етар оқсоқоллари сафидан муносиб бўли олды. Энди, бундан кейин шу обрўйига путур етказмаслиги, аксинча, уни яна-да кўтариш ҳаракатида бўлмоғи керак.

Оқсоқолларнинг келишгани ҳўб иш бўлди. Бўри Қора от ёки туя сўйгани йўқ. Анчайин бир кўзини бўғизлатди, холос. Бир товок қовурдоққа тўртта қўл чўзилди нима-ю, саккиз қўл чўзилди нима? Ахир, меҳмон дегани оч қолгандан ёки ейиш учун келмайтиди-ку? Гап кўнгилда: уларнинг кўнгли олинса бас.

Мана, оқсоқоллар ҳам яйраб, топилдиқ мавзу — кўпқари қандай ўтгани, қай вилоят чобагонларининг қўли баланд, отлари ўзгир келгани, ammo Бўри Қора оқсоқолнинг Бойчибор зотли оти мўъжиза кўрсатганини бот-бот баён этишаётир, жониворнинг деярли ҳар бир ҳаракатини тахлилу тафтиш қилишаётир. Ҳа, бу ҳусусдаги гурунғ ҳали кўп давом этади.

Бир маҳал меҳмонхонадан алпанг-талпанг юриб Акмал чиқиб келди. Бўри Қора ҳали Саодат ақанинг соатига қараб-қараб қўйганидан уларнинг шошилаётганини уққани учун шу тобда ошхона оғзида туриб, кампирига тансиқ меҳмонни куруқ чиқармаслик ҳақида маслаҳат соларди.

— Эй, мелиса... Эй ветеран! Шоғирд-хизматкорларинг камми? Нима қилиб юрибсан? — деди-ю, ечиб қўйилган қалишларга қоқилиб кетди. Сўнгра бирдан чоллар даврасига боқиб: — Э, қалай ўтирибсизлар, отахонлар? — дея бирдан чўнкайиб, қўлини фотиҳага очди: — Омин. Мингга қиринглар! Мана, Назар ақанинг тўйига ўшшаган бошка тўйларни ҳам бугунгидай обод қилиб юринглар! Абло акбар! — деб юборди. Кейин ўрнидан тураркан, Олқор чолга қўзи қадалиб: — Аҳ, уста... дипломат экансиз, қойилман, — деди. — Тавба, — дея Бўри Қорага қаради. — Кўпқарини қандай ўтказди бу инсон? Тартиблар, шартлар... Қойилман. Лекин баъзи отлар ҳам интизомсизлик қилишини айтмаган эдилар! — қаҳ-қаҳлаб кулди.

Акмалнинг кайфи ошганига дафъатан ишонган Бўри Қора келиб, унинг тирсагидан ушлади.

— Пастга тушасанми?

— Пастда?.. Пастда нима бор? А, хулиган отинг? Хой... бахшини айтмабизда... Хе, бечора. Йўқ, улар — улуг одамлар, — Кейин дўстига тикилиб қолди. — Эй, айтган термалари ёдингдами? Хаёлимда худди сенга қараб айтаётгандай бўлди.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам мана айтди-ёв, — деди Бўри Қора.
— Ана, кўрдингми қандай... фаросатли инсон у!.. Қойилман. Биз, у — зиёли қарилар...

— Йўқ, сен ҳам яхши қариясан.

— Йўқол.

— Йўқолсам, сени ким қузатади?

— Ай, майли... Баққа юр! Кечирасизлар, отахонлар. Эсла-рингда бўлсин, сизлар ҳақиқий ўзбекона қариётган... чоллар. Бахтимизга омон бўлинглар!

Улар ўз-ўзларидан ошхонага кириб қолишди. Бўри Қора дўстини бурчакроққа тортиди.

— Сал оғирроқ бўл, эй.

— Ай, тупурдим. — Кейин чўнтагини кавлаб қолди. — Битта чекай... Анави стулни қўй... Раҳмат. Кампиринг кўринмайди, феодал?! Пастдами? Майли... Утир ўзинг ҳам. Утириш яхши бўлаяпти. Алагда бўлма, жўра. Сен бора-бора...

— Одам бўламан.

— Ужв бўлаясан. — Кейин унга термулиб қолди. — Эй, нимага отни урдинг? Кўпқарига кириш олдда... Шундай урдингки, ҳатто менинг баданларим оғриб кетди. Саодат акани сўрама... Ахир, у шунчаки бир "чўх" дейишнингта махтал бўлиб турганди.

Бўри Қоранинг ҳам аллақерлари оғриниб кетди: ҳа, нега уни чарсиллатиб қамчилади? Ҳа, урдики, додлаб юборди-яни жонивор... Нега энди уриш керак, албатта...

— Ҳўганиб қолгансан-да, — дея давом этарди Акмал, — маҳбустларни уриб, урдириб... Анави ифлос Олчининг ҳам сендан қолишмайди. Аммо... — Яна тек қолди. — Гапмундай бўлди, жўра! Саодат ака ёмонликка олса, у олақўзинг учиб кетади. Пуф-ф десалар, бас. Лекин у одам — инсон, буюк инсон. Сенга қандай тушунтирсам бўлади. Бағри кенг... Энг муҳими — ҳамма нарсага тайёр. Ҳақиқий миллатсевар, ватан учун жонини аямайди... Сен билмайсан-да, кўп нарсани!

Бўри Қора хўрсинди.

— Сен бошқа гапниям бошлаб қўйдинг...

— А-а, ҳа. Бошлаб қўйдим... Гап шундан иборатки, кулогингни тут. Энгаш!

Бирон ярим соатлардан кейин каттагина тугунни қўлтиқлаб чиққан Бўри Қора чоллар теласида тўхтаб, "жим" ишорасини қилди-да, ўрнидан кўзгала бошлаган Назар қассобни ҳам ўтиришга ундаб:

— Ҳозир, икки минутдан кейин... сиз, Олқор ота, икки кишига дуо берасиз, — деди. — Ҳайлаб қўйинг. Жўрачилик, дўстлик ҳақида. Биласизку, сиз билмайдиган ҳеч бало йўқ.

Олқор чол бу гапларни уй эгасининг лабларидан ўқиб ололмади-ю, гангиб бош ирғади. Бўри Қорага қизиксиниб қараб турган Назар қассоб:

— Майли, сиз бораёвринг. Бу ёғини ўзимиз тушунтирамиз, — деди.

Бўри Қора унга тепадан қараб, бирдан кулимсиради. "Аслида-ку, икковимизгаям чопон кийдириш керак-ов..." деди ичда. Аммо тилига чиқармай даҳлизга бурлиди.

Нозик меҳмонлар ҳам шу тобда Чиборнинг қилиқларини ўзларича мужоҳама этишайтган экан. Бўри Қора дераза тарафда ўтирганларнинг орқасидан бир ёнбош бўлиб ўтиб, Саодат аканинг ёнига бўгчана қўяр экан, Тошболта ошиқ:

— Мана, ўзларидан сўраймиз, ўзларидан! — деди. — Қани, "қуралай қўз, қуралай, тўйнугиндан мўрала-ай..." Бўри ака, ўша ерда туриб айтинг-чи, тепангизда Худо, ёнингизда энг бообрў инсонлар... Ҳўш, Чиборингизга отларнинг қуйруғидан тишлашни ким ўргатди? Мана, Умар синчи бўйнига олмаяпти.

— Йўқ-йўқ, мен билмайман, ука, — деб бош чайқайди бур-

чакроқда ўтирган синчи. — Ҳўзимам ҳайрон қолдим-у... — Ҳўш, Бўри ака?

Бўри Қоранинг ўзи ҳам бу саволнинг жавобига чўнон қизикиб қолган, бу одамларнинг ўзига тикилиб туришию, айна шу саволга жавоб кутаётгани-да қизик эди.

У ноҳорликдан бирдан шифтга қараб:

— Билсам, балого йўлиқай, — деди. — Лекин ётиб-туришни ўзим ўргатганман... Ҳўзи у жонивор тоилгиди мени танг қолдириб келарди. Ким билади дейсиз... — У пойгакка ўтганда, очик деразадан бақовуллар бижиллашиб гапни-мадалигини тушунтирмақда эди. — Ҳей, Олқор ота! Сиз билганам нарса йўқ-ку! — деб қолди Бўри Қора — Ҳўзи бораёвринг, бу саволга!

Бошини эгинқираб тугунга термулиб турган Акмал ҳам туйқус бурилиб:

— Ҳа, Эшитамиз! — деди.

— Эса, эса, ўзларингга бир савол бераман, — дея жойида чўккалаб олди қария. — Ҳў-у, Боботог билан Чилбир чўл ўртасидаги пойгада Бойчибор нима қилган эди? Эшитаяп-сизларми? Олдиндаги қалмоқ отининг қуйруғига қарсиллатиб оғиз солиб эдими-йўқми? А? — Ҳўзининг даврасидаги-лар дархол маъқуллаб қозиди. Бу давранан эса фақат Тошболта ошиқнинг овози чиқди:

— Ҳа, тишлайди Бойчибор... Ҳў-ўш?

Олқор чол шерикалар ёрдамида гапмаъносига етгач: — Баракалло, — деди. — Нимага тишлайди? А, Эшимбой?.. Нима, унга олдиндаги отнинг кетидан тишлаб отиб юборишни Қултой йилкичи ўргатибмиди унга? Балки Ал-помииш ўргатгандир? Йў-ўқ, Бойчиборнинг пойгага биринчи тушиши эди, лекин тишлади... Демакки, азизлар, шунга фаҳми етди унинг. Бўлдимми?

— Сал чалароқ бўлди-да, — деди Тошболта ошиқ, — Бойчибор энди — Бойчибор эди. Бу Чиборимиз...

— Ҳў, Эшитмач! — деб бақирди Олқор чол унинг мужмал гапини ҳам қурдошлари ёрдамида англаб олгач. — Ичкарида ўтирган Акмалбойларнинг бир қорабайир оти бўлгич эди. Ҳожикул мелиса шунни миниб, ҳув Керагатовадаги Етимчўкки остидан ўтаётганда чўққиди бир айиқ тош думалатади. Эшитаяпсанми?.. От ҳўркиб, Ҳожикул ағанаб тушади. Тошлоққа думалаб кетади. Бир оёғи шикаст ейди. Ҳа... Кейин денг, бир маҳал от эгасини топиб келади-да, қошида тиз чўкиб туради. Ҳожикул ўрмалаб эгарга миниб олади... Ҳе, азизларим-е! Раҳматли Ҳожи шунни айтиб, фақат ҳайрон қолар, «Унга бундай чўққалашни мен ўргатганим йўқ, Олқоржон!» деб қасам ичарди... Чол нафасини ростлаб яна бақириб юборди: — Бунга нима дейсан, эй майнабоз?

— Ҳа, Олқор бобо! Олқор бобо! — деб қолди шунда бирданнига ҳўшёр тортиб кетган Акмал. — Худди шундай бўлган. Мен ҳам биламан... Айтиб берар эдилар!

Олқор чол жиммиб қолди.

— Мен ҳам лекин кўпгажойиботларни эшитганман, ёшлигимда, — деди шунда Саодат ака бошини ҳам қилиб. — Отда гап кўп... Мана, базви отлар бўлди, ўз-ўзидан йўрға чиқаради. Базви отлар, умуман, бўлиб, бўлиб ўтади. Зотта кўп нарса боғлиқ бўлса керак...


Жимиб тингловлар марказлик вакиллар ҳам Бош прокурорнинг гапини маъқуллаб кетишди. Илло, наслда, ирсиятда гап кўплиги барчага аён эди.

— Бўпти. Масала ҳал, — деди Бўри Қора этакдаги ўз жойига чўқаркан. — Саодат ака, Чиборни ётиб-туришга ўзим буюрар эдим. Лекин бу гап ўз-ўзидан чўка тушди жонивор.

— Бу усулни Қирғиз чобагоннинг отидан ўрганиб олган бўлиши керак, — деди Тошболта.

Даҳлизда хизматта шай бўлиб турган Носиржон ҳам ниҳоят, бир оғиз гап қўшди:

— Рост айтдингиз, Эшим ака. Шу пакана отдан ўрганган. Лекин ўзим ҳам бир-икки марта телпагиним ерга ташлаб



кўйиб, тепасига келганда олмақчи бўлганман. Шундаям Чибор чўккалган эди.

— Ана, бу гагга тушунса бўлади, — деб мамнун бўлиб кетди Тошболта ошиқ ва Акмалга зимдан кўз отди-да, кейин Бўри Қорага қаради. — Бу шишам ичиладими, ё шунчаки... — Ичилди! — дея Бўри Қора шишага узлагани чоғда Саодат ака бошини адл кўтариб:

— Бўрибой, сабр килинг. Менинг бир таклифим бор эди, — деди ва девор томонда ёнма-ён ўтиришган Қуролбой билан Олчинга боқди. Уларнинг бири — Олчинбой кўзлари жавдираб ўтирар, иккинчиси — Қуролбойнинг битдек кўзлари деварли юмилиб кетган, афтидан бу гурунглари уни аллалар эди. Олчинбой Бош прокурорнинг нигоҳини туйиб, Қуролнинг бикинига туртди. Прокурор ёрдამчиси эринчоқлик билан қимирлади ва кўзларини йириб очди. — Ҳа, ана шундай бўлсин, — деб бўйиқ тўнгилади Саодат ака. Кейин жамоага юзланиб, бамайлихотир давом этди: — Биродарлар, ўларнингдан қолар гап йўл, Қуролбой бизга жиян бўлади. Хўш, Олчинбой эса — Бўрибойнинг шогирди. Булар... баъзан келишолмай ҳам қолишади. Ишда бўлади-да... Лекин иккови бир-бирига мос, бир-бирини тушунади. Айтиш мумкинки, бир-бирининг нималаринидир тўлдирлади ҳам...

— Шундай, ака! Жуда тўғри айтаяспиз-да! — деб юборди Бўри Қора дафъатан ҳаяжонланиб кетиб. — Сизга раҳмат. Сиз биласиз экан... Кечирасиз, кулоғимиз сизда.

Бўри Қорага ўйчан тикилиб қолган Саодат ака, бирдан мийғида кулимсиради:

— Бўрибой, сиз билан мана бу Акмалжонни кимлар қандай қилиб жўра қилишган эди?

— Чопон кийдириб! — ҳовлиқиб жавоб берди Бўри Қора. — Оталаримиз тўн кийдириб, дуо беришган. Шундай ўтиришда. Ҳе, Пода қишлоғида. Кейин биз бошқача дўст бўп кетганмиз. Лекин ўша пайтда ҳам яқин жўра эдик.

— Шундай-шундай, — деб иргалди Акмал. Афтидан, ҳамон унинг ҳаёли қорабайрида, балки отасида эди. Кейин бирдан сергак тортиб, Олчинбойларга кўз тикди. — Эшитаяспизларми?

— Эшитяппиз, устоз, — деб дарров жавоб берди Олчинбой.

— Бўлмасам, икковинг ҳам ўриндан тур, — деди Бош прокурор ва ўзи ҳам кўзларини кўрпачага тираб кўзгала бошлади. Буну кўриб Акмал иргиб ўрнидан турди. Хиёл до-вдираб кетиб энгашиди ва туғунни тезгина ечиб, бирин-кетин иккита сариқ бекасас тўнни олди. Негадир силкитиб ҳам қўйди. Бунга Саодат ака йигитларни имлаб, ўзининг ортидаги бўш жойни кўрсатди. Олчинбой Қуролнинг қўлидан ушлаб, ёнидаги меҳмонларнинг орасидан йўл тортиди. Ниҳоят, сандиғу тахмонлар ёнига боришгач, бу ёққа қараб туришди. Кейин Саодат ака Акмалга бош иргаб ишора қилди:

— Кийгиза қўлинг, ўзингиз.

— Албатта. Ҳозир... Қани, Қуролбой, қўлни ёзинг... Кийиш керак! Минг қўйли бойдай елкага ташлаб ўтириш кейин бўлади... Баракалло! Олчин сағир, олға. Қўл... У ёққа қара. Ана, бў-ўлди. Мана, белбоғлар! Боғлаб олинглар энди... Шунинг мен қилайми? Яқши. Хой, болалар, бу кун ёдларингдан чикмасин! Бир-биринг билан киндигинг қўшилди ҳисоб! Қадимги боболаримизнинг удуми шу... Тожининг гапи бор: дўсти нони, дўсти забони, дўсти жони... Сизлар жон дўсти, жонон дўст бўласизлар энди.

Уларни томоша қилиб, жилмайиб турган Саодат ака кўрсаткич бармоғини кўтарганча йигитларни ёнига чорлади-да, даврага юзланди. Бу ёқдагилар ҳам негадир ўринларидан туриб кетишган, ташқаридагилар ҳам деразадан қарашар эди. Саодат ака ҳамон бармоғини кўтарганча:

— Акмалхон маъноли гапайтдилар, — деди, — Булар жонон дўст бўлишсин!

— Ана шунинг учун оламин! — деб юборди Тошболта

ошиқ. Бўри Қора шоша-пиша шишани олиб очаркан, Саодат ака қўлини тумшўқига элтиб, пиқиллаб кула бошлади. Ниҳоят, пиёдалар улашилгандан кейин:

— Қизик экан-да, бу ҳаёт, — деди у киши. — Ҳали Акмалжон айвонда ундок чоллармиз, мундоқ чоллар бўлаамиз, деди... Асл ўзбек чоллари — сизларсиз, — деди. — Тўғри гапларни айтиди. Ҳа, Акмалжон... Мана бунинг исботи. Бизлар ҳозир «булар умрбод дўст бўлиб қолсин», деб мана бу заҳарни ичамиз. Айвондаги оқсоқолларимиз эса... буларга дуо беришди.

— Э, ҳақиқатан ҳам тўғри айтдингиз, — деди Бўри Қора шугина оддий ҳақиқатга ҳозирча ақли етмай юрган кишидек. — Рост, шундай... — Кейин бирдан ақлини олгандек бўлди — Лекин биз ҳам дуога қўшилаамиз-ку!

— Қўшилаамиз, қўшилаамиз, — деди Саодат ака. — Мен энди бир парадоксини айтдим-да.

— Тушундим. Ҳа... Оббо, Тошболта, жўра кираётганларга бермасан-ку?

— Э, шундай бўптими? Ҳозир бу хатони тузатамиз... — У чакқонлик ила йигитларнинг дастурхондаги пиёдаларини яримлатиб узатди. Қўлма-қўл бориб эгаларига теккач, Саодат ака:

— Буну ичганларингдан кейин айвонга чиқасизлар, — деди ва жиянига дафъатан совуқ тикилди. — Бундан кейин ичишдаям Олчинбой билан бамаслаҳат ичасан.

— Ҳа, мен контролга оламан, — деб қолди Олчинбой. Саодат акага қўшилиб Акмал ҳам бўлқиллаб қулди.

— Ҳе, кантролингдан айланай... лекин сўзингизда турмасанг, биласанми, нима қиламиз? Кулги кўтарилиди.

34

Чоллар турадиган бўлишди. Назар қассоб кўйирокда ўтирган эди, Носир орқали Бўри Қорани чақиртирди. Уй эгаси меҳмонхонадан чиқиб келиб:

— Кетадиган бўлдиларингми? Э, чоллар бевафо экан-да... Ўтирмайсизларми тонг отгунча яйрашиб! Бахшиниям топтириб келардики... — деб, Назар қассобнинг ёнига чўнкайиб ўтирди. Олқор чол қоқшол кўзларини фотиҳага очиб, Бўри Қорани мўл-кўл дуо қилди. Дастурхонга файз-баракот тилади. Охири:

— Шу азиз хонадонда тўйлар... — «ҳам»ини ичига ютиб, давом этди, — бўлсин! Ана ундай азиз, мўътабар меҳмонлар қадам ранжиди қилишини! Ҳе, курашсиз, кўпқарисиз тўй булар эканми ўзбекда? Бўлмади... Инчунун, Бўрибой инимизнинг ҳам кўпқари, олишларини кўриш биз қарияларгаям насиб этсин. Овмин, Аллоҳи акбар! — деб қуруқ тўри тортилгандек қоқ суяк юзига ҳовучини кўтарди. Ичкаридан ҳам «омин» деган садолар эшитилди. Булар ўринларидан туриб қаллишларини кийишар экан, меҳмонхонадагилар ҳам бирин-кетин чиқа бошлашди.

Алқисса, ёшлар ўрта яшарларга, улар ёши улуғларга йўл бериб, зинапоядан тушдилар.

Умар синчи билан Носир полвон қозон қошдида эдилар, дарвоза табақаларини кенг очиди. Не бир вақти хушликда кўчага чиқшган, Бўри Қора, Акмал ва Назар қассоб беихтиёр маслаҳатлашиб қолиб, чолларни машинада уй-уйига обориб қўйишга келишдилар.

Машиналар туман маркази томонга тумшўқларини бериб, чирокларини ёққанда, каттаю кичик қўл олиб хушлаша бошлашди. Қитмир Тошболта ошиқ Бош прокурорнинг қўлини дангалга ўпти-да:

— Битта, биттагина саволим бор, тақсир, — деди. — Бежиз қўлингизни тавоб қилмадингми... Ана шу саволимга жавоб берсангиз, оёбингизгаям йиқилишга тайёрман.

— Хўш, хўш — деди Саодат ака. — Менимча, бугун ҳисобда ёлғон гапирмадим.

— Эй, мардум, қулоқ сол, — деб хитоб қилди Тошболта

кўпроқ қариялару, шу ердикларга мурожаат этиб. — Тўғриси айтинглар, Саодат акамнинг вилоят пиркурори эканларини билганларингдан кейин нимани ўйладинглар?.. Хўп, ўзим жўнроқ қилиб айтаман: «Бу одам текширгани келган. Ишқилиб, худо инсоф берсин-да. Сўроқ беришга тоқатимиз йўқ», яна ул-бул шунга ўхшаш ўйларга бордиларингми-йўқми? — Ҳамма жим турар эди. — Шахсан мен, — дея овозини кўтарди Тошболта, — шахсан мен: «Ё Назар бобомизнинг иши чатоқ бўлади, ёки прикурор бобомизга катта гап тегадиган бўлди-ёв», деб ўйладим... Бир-икки айтдим ҳам... Хўш? Ана, буларнинг жим туришини кўринг, Саодат ака, — деб кулди кейин. — Юрак йўқ-да, юракни олдириб қўйган бу бечоралар. Мелиса деса, секретар деса, раҳбар деса, тиззаси қалтираб туради... — Сўнгра бирдан дўк қила кетди: — Э, суф-е сизларга... Ахир, барибир, барибир билганларингдан қолмайсизлар-ку? Тошболтага ўхшаб оғилхонада намоз ўқиш ҳам қўлларингдан келади!

— Мен айтмай, — деб, сал олдинга чиқди Умар синчи. — Эшимбой, саволни ҳам ўхшатиб бердинг-ку, лекин жавобни ҳам айтиб қўя қолдинг. Агар мен тушунган бўлсам...
— Отанга раҳмат, — деб юборди Тошболта. Юз пойиз тушунибсан, жура.

— Уйлайманки, бошқалар ҳам тушунди.
— Хой, — дея Тошболтанинг елкасига қўлини қўйди каттик ҳаяжонга тушиб турган Бўри Қора. Ахир, бу масхарабоз унинг қўнгидаги гапларни ҳам айтган эди-да. — Мардумга берган саволинг ҳам, жавобларинг ҳам ҳаммага етди. Маъқул... Лекин, Саодат акамдан сўрамоқчи бўлган саволинг ичингда турибди-ку?

— Сизга ташаккурлар бўлсин, чобагонлар чобাগони, — деб хитоб қилди Тошболта ошиқ ва унинг-да елкасида турган бармоқларини «чўлп» этказиб ўпти-да, Бош прокурорга юзланди. — Оғажон, кечадан бери сизни кузатиб, шу фикрга келиб эдимки, сиз — бегараз инсон экансиз. Ҳақиқатан ҳам ўз юртингизни, масалан, кўпкариниям соғиниб келиб экансиз. Ҳар бир қадамнингиздан билиниб турди бу...

Саодат ака муштомуға йўталиб олиб:
— Рост, шунинг учун келиб эдим. А, Акмалхон? — деди. — Сўзим ёлгон бўлса, мана, Акмалдан сўранглар. Акмал товуш чиқариб хўрсиниб юборди-да:
— Шундай гаплар бўлишини шаҳардаёқ сезган эдим, — деди. — Ҳатто Саодат акамга бу тўғрида гапирган ҳам эдим... — деб Олчинбойга қаради. Сўнг Назар қассобга ҳам кўз ташлаб олди. — Районнинг катталари бугун қайтишадими?

— Эртага, эртага, — деб жавоб берди Назар қассоб.
— А-а. Яхши. Энди, нима десам экан... Саодат ака, сиз гапиринг.

— Мен айтирими айтдим.
— Э, йўқ, тақсир, — деб қолди Тошболта. — Менинг сизга берадиган асосий саволим шундан иборатки, мана — сиз, кимсан вилоят Бош прокурори ҳўкуматининг расман манъ этган ўйинга келдингиз... кўпкарига... Хўш, сизнинг бу ташрифингиз шу ерда қолмайди, оғажон. Бутун районга ёйилиб бўлди. Энди полволлар, чавандозлар орқали етмаган жой қолмайди. Мен юз прасент ишонаманки, бу ташрифингиз худди вилоят обкомиягга етиб боради... Мана, Бўрибой акам айтсинлар, Оқбой чўпоннинг тўйда қатнашгани, кейин уч-тўрт оғиз кўпкарини маъқуллаб гапирганлари учун райкомга қақчириб қисирган эди... Энди, айтмоқчиманки, сизни, оғажоним, обкомга қақчиришмасми? Ҳар ҳолда партия ташкилоти — юртинг эгаси...

— Мен тушундим, — деди Саодат ака ва Акмалдан сигарет олиб бемалол тутатди. Кейин ўйланиб қолиб, болохондан тушиб турган чирокқа, кейин Акмалга қараб жимлайди ва овозида сезиларли шўхлик ила: — Тошболтабой, — деди. — Чўмчудан қўрққан тариқ эқмайди, деган мақолни эшитганмисиз?

— Во-о, — деб юборди Тошболта. — Ҳозир ўзимни таша-вораман! Хўш-хўш, ажаҳон?

— Шу-да, — деди Саодат ака.
— Нима, сизни обкомга қақчирмайдими?
— Қақчирар, — деди Саодат ака. — Ҳатто ўзи сезони бошлангандаёқ обкомга чорлаб айтишган эди. Шундай-шундай, хўш, кўпкарига, айниқса, қарши туриш керак. Ҳим, бу отбозлик, жангарликлар яхши оқибатларга олиб бормаиди. Халқнинг руҳига таъсир этиши мумкин...

— Ғурурини уйғотиши мумкин, — деб илова қилди Акмал жаҳл билан. — Мен ҳам бор адим ўша йигинда... Ҳатто Саодат акамни ўрнидан турғизиб топшириқ беришган эди. Орган одамлари ҳам бундай босмачи тақлид ҳаракатларга барҳам бериши лозим, деб...

— Тўғри, — деб сигаретани чўқур сўриб тортиди Бош прокурор. — Биз иримига яраша тегишли одамларимизга топшириқ ҳам бериб эдик. Лекин, улар ҳам — тушунадиган одамлар...

— А-а, — деди Тошболта ошиқ. — Ту-шу-надиган! Зўр... Кечирасиз, саволимнинг давоми: айтинглари, оғажон, шу — ўша обком секретарлариям ту-шу-надиганлари кўпкарини?

— Хе, нималар деяясиз? — деб, астагина кулди Саодат ака. — Нима, улар ўзбек эмасми? Одаммасми демоқчи-ман... Акмал, қизиқ-а? Тошболтажон, улар ҳам — шу юртин фарзанди. Шу юртин, шу элни, унинг урфу одатларини яхши кўришади. Лекин...

— Хўш-хўш?
— Ниолложи чан ракат, деган экан... Мусулмон одам маж-бур бўлганда беш ракат намозининг иккитасини ўқисаям амалга ўтади. Шундайки, улар ҳам ниолложа экан.

— А-а, у ёқдан, тепадан, оғаларимиздан...
— Энди, шу-да.

— Тушунарай. Кечирасиз, охириг саволим. Бизлар қараммиз-а ўша ёққа?

— Ҳа-ҳа! — деб дўқлаб юборди Акмал. — Ҳамма нарсани билиб туради-ю, тагин сўраганини бунинг... Бўпти, гап-тамом. Хей, Бўри, буларга жавоб бер энди. Ана, машиналарнинг аккумулятори ўтириб қолади. Қани, отахонлар, хуш-шайлик энди... Олқор бобо, барча дуоларингиз ижобат бўлсин. Ҳақиқатан бу хонадондаям тўй-томошалар бўлсин!
— Омин, омин!

Машиналар жўнаб кетишгач, Акмал:
— Ана шу-да, халқимизнинг даражаси, — деб тўнгиладди.
— Йўқ, тўғри. Ҳаммаси табиий, — деб қўйди Саодат ака ва яна Бўри Қоранинг тирсагидан қўлини ўтказиб олди. — Худога шўқур, жуда мазза қилдим-да, — деди гўё ўзига ўзи. — Қандай яхши одамларимиз бор, одатларимиз бор... Эй, ой чиқибди-ку? Арпали... Юракка яқин ном «Алпомиш»-даям бу ном бор-а?

— Бор, бор, — деди Бўри Қора, унинг кўкраги қақбаргандан берадиган бораб, шу тунни ҳам, осмонлару ойни ҳам кучиб олгудек эди.

Ахир, у кўпнарсани тушунди... Йўқ, тушунган нарсаларини қайтадан англаб етди. Булар — Акмаллар чиндан ҳам маслақдос экан. Эй, шундай инсонларнинг бориға шўқур. Қолаверса, ўша — миллат деб, Ватан деб ўтиб кетган шoirлару олимларнинг оталарига раҳмат. Ҳа, улар зўр одамлар бўлишган. Қанча қийноқларга чидашган. Тўғри, кейин ўлиб кетишган...

Насиб бўлса, мана бундай — Саодат акадай одамларнинг ҳам номлари қолади. Бу ердаги гап-сўзлар ҳам ёйилиб кетади энди... Халққа етади. Ғурур, ғурури кучади.
О, жуда мазза бўлар экан — ғурури бўлиш, ўзининг миллатсевар, ватансевар, деб билиш...

Жамоа бехитёр кўча бўйлаб жилишган эдики, ҳадемай деворлар ортда қолиб, ўша — азиз ва муқаддас Арпалига рўпара бўлдилар. Кундузи қўёш нурига чўмилиб ва яшнаб ётган адирлар ҳозир ой нурида мизгиётганга ўхшар эди.

Ай, елпинди шамолларингдан айланай, Арпали! Ана, Түполоннинг босиқ гулуси ҳам эшитилаяпти. Оқавер, эй, онахон дарё! Сеняям борингга шукур.

Бир маҳал орка томондан машинанинг варанглаган сиг-нали эшитила бошлади-ю, Акмал бошини бурмаёк:

— Акром... Бизнинг машина келди. — деди.

Оқмон меҳмонлар машиналар карвонига келишган чоғдаёқ Бүри Қора қайси биридан Акмалнинг ўғли тушар экан, деб кўз тиккан, аммо кейин билишчи, Акром Назар қассобнинг кенжа ўғли билан балиқ овиға кетишган экан... Мана, ниҳоят, келишди. «Уҳ — деб хўрсиниб қўйди Бүри Қора ўзиям кутмаганда. — менинг ўғилларим бўлса, аллақерларда... Йўқ, улар билан ярашишим керак. Қайсарлик қилма, Бүри! Айтмоқчи, шуни эсда тутгинки, улар ҳам — қайсарчалар...»

Бүри Қора учун кейинги фикри кашфиётдек туюлиб, кайфияти яна кўтарилиб кетди. Саодат ака у кишининг тирсагидан қўлини тортиб, узр сўради-да:

— Эй, Назар, қаердасан? Тўхта, — деб қассобнинг ёниға борди. Бошқалар йўлда давом этишарди. — Назар, бир-икки нарсани сўрасам сендан?

— Суранг-суранг, Бүри ака... Лекин меҳмонларни ўйлаётган бўлсангиз, ташкилини қип қўйганман, — деди у.

— Нимани?

— Улуш... Уларнинг улушини айтаяпман.

— Э-ҳа. Қаерда?

— Ҳозирча уйда. Мана, машиналари келди. Йўлақай багажига солиб жўнатаман.

— Ҳм, раҳмат. Ҳарҳолда шахарда яшайди-да улар...

— Биламан, ака. — Кейин Бүри Қораға бошини қаңқайтириб деди: — Сизнинг улушингиз шу ерда.

— Тушунмадим.

— Шу ерда. Такхонадаги омборингизда, — деб кулди қассоб. — Носир укангиз яшириб қўйди. Ким билади энди, сизнинг хўйингиз бор. Ҳар нарсани ўйладик-да...

— Э-э, сени қараю... Шошма, — деб унинг тирсагидан қисиб ушлади Бүри Қора. — Мен-чи, мен нима қилсам экан?

— Қилдингиз. Зийфат яхши ўтди... Сиз шошилманг. Чопон сиздан бўлади...

— Барибир-да. Шунда ҳаёлиға бузоқли сигир келиб, барча харажатларини биргина бузоқ қоплаб юборишини тахминлади. Кейин: «Биронта қўзини сўйиб, иккиға бўлиб...» Ҳа, чала қолганча тилиға чиқди: — биронта эчкими, қўйми сўйиб, багажига солиб қўйсаммикан?

— Багажда жой бўлмайди, — деди қассоб ишонч билан. Кейин Бүри Қорани юпатган бўлди: — Э, ака, куннинг кўпи билан юборасиз. Биламан, жўрангизни йўқлаб турасиз...

— Эй, сен булар билан қандай қаймоқлашиб қолгансан-а? Тоза пухта экансан-ку!

— Ҳе, бунинг тарихи узун, Бүри ака. — Кейин Бүри ака-сига пастдан жилмайиб боқди. — Супрақоттиға боринг... билиб оласиз.

— Энди, албатта...

— Ҳаммасини айтиб бераман... насиб бўлса, районнинг катталариям келишади.

— А-а-а.

Шунда гудирлашиб тўхтаб қолишган Олчинбой билан Қуролбойға тўқнашиб кетишарди. Йигитлар дарҳол айрилиб, буларға йўл беришди. Бүри Қора уларнинг эғидаги чопонларига қараб кулимсиради-да:

— Ҳов, эсларингизда бўлсин, — деди. — Мендан бемаслахат бир қадам ҳам...

— О, албатта, устоз! — деди Олчинбой.

— Сиз улўф одамсиз, — дея Бүри Қораға интилди Қуролбой. Бүри Қора унинг узатилган қўлини Олчинбойға тутқазиб:

— Сизлар ҳам... одам бўлинглар энди, — деди. — А, Қуролбой, эсингни йиғ...

— Тушундим, устоз.

— Ҳа эса, Назарбой, — дея олға босди Бүри Қора, — сиз ундай қилсангиз, биз ҳам кейинроқ...

— Насиб бўлса...

— Хой, Акрам! Отаюртга келдим деб, шундай юриш экан-да? Ҳе, қани, бир кўришайлик! Балиқ овиға боргандан кўра бобондан қолган томорқаға бормайсанми, бола!

— Амаки, томорқазиниям кўрдим, — деди йигитча.

— О-о-о, Акмал! Сендан ақлироқ чиқди ўғлинг.

— Шундай бўлишим керак-да! — деди Акмал.

— Қани, ичкариға тортинглар! Саодат ака... Э, борасизлар-да. Кечаси узок... Айтмоқчи, Саодат ака, барибир сизни куруқ чикармайман. Чопонингизни олинг. Кейин, майли... Носир, айвонга жой қил! Дастурхон тузат! Ичкари дим экан.

Умар синчи шу ерда меҳмонлар билан хўшлашди ва уларга оқ йўл тилаб, орқаға қайтди: хаҳири қўрада эди. Боғнинг ўртасида боғлиқ турган Чибор бирдангиа кишлаб, буларни қарши олди. Бүри Қора хўшёр тортиб:

— О, менинг Бойчиборим! — деб ҳайқирди. — Қорнинг тўқми? Носир, ем бердинг-а?

— Ҳа, аллақачон. Сув ҳам бердим.

— Раҳмат, ука. — Кейин хаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. Саодат аканинг биллагидан ушлади. — Чибор сузишиниям боғлайди! Носир ҳам ўргатди, ўзим ҳам. Ҳе, бир кунни Түполоннинг бу ёғидан у ёғига, у ёғидан бу ёғига олти марта сузиб ўтди. Устида ўзим... Ҳе, бу аломат жонзот бўлди-да, кўз тегмасин. Ҳазиниям кўзим тегмасин. — Кейин қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. — Зотни олгандан кейин Чиборни дарёға солсам, а? Мисол учун-да... Бари отлик соҳилда қолиб кетади. Чапак чалиб қолишадими... Ҳе, энди зотни бериб бўлман...

— Лекин уни баъзан аямас экансиз, — деди Саодат ака зинапояға етганида Чиборға кўз ташлаб.

— Э, ҳа, шу, билмай қолман-да ўзимам...

— Ақл, ақли ишлатсанг, бўлди, — деди Акмал. — Сен баъзан ўйламай қолсан...

— Ҳимм.


35

Бир-бириға мингашиб кўтарилган қоялар ҳам алланечук шишинганға ўхшаб кўринар, ёнбағирдан қесиб ясалган супалар эса ям-яшил майсалар ўсадиган чимзор бўлибми — ариқзор бўлибми кетган. Дашт қиёфасига қирган тупроқ уюмлари ҳам оддий тепачаларға айлиниб қолган эди. Арпали ҳамон ястаниб-ялпайиб ётар, фақат йлқилар уори пайдо бўлганда ёки юзлаб чабогонлар от чоптирганларида, яъни кўпқари маҳалларида дашт дафатан жонланиб туёқ товшулари қайтарар, дарҳақиқат, кўпқари чопилган онлардагина у тирилиб қолгандек бўлар эди. Бунинг устиға унинг бағрида талай отларнинг излари қолар, гўёки бадани ярадор бўларди. Бироқ яна киши билмас ҳолда яралари битиб, топталган ўт-ўланлар яна бош кўтарар эди.

Яна шуни қайд этиш мумкинки, ҳар йили айни баҳорда бу адирларда улўқ чопилар, илло Түполондан кимдир тўй қилар эди. Бундан ташқари, айрим қўшни туман тўйчилари ҳам кўпқарисини шу ерда ўтказишар, бунинг ҳайрон қолари жойи йўқ эди. Аҳир, қаер қулай! — текис, отлар улўқ хавфли бўлмаса, ўша ерлар кўпқари учун манзил бўлиб эди.

Назар ота тўйининг давомини шу ерда бергани ва ўша кўпқарининг довури ҳе-е, дейлик, Доғистонларға етгани боис бу манзил тўй қилғувчилар учун қандайдир жозибали бўлиб ҳам қолган, қолаверса, бу ерда чопилдаган кўпқарини шу ерлик ажиб-мўъжизавор бир Бойчибор деган отнинг тушуви ҳам безак бўлардики... Тўйчиға яна нима керак? Аҳир, кўпқариси ҳам қизик ўтса бўлди-да!

(Давоми келгуси сонда)



Чинорликлар орасида совуқ гапоралаб қолди: “Нима дейсан, Чинорларни кесиб ташлашармиш! Сабабики, шоху бутоқларини латта-путталар босиб кетганмиш. Бир-икки чаламулла пайдо бўлиб, анойиларнинг эчки-улоқ, қўю бузоқларини чинорлар тагида худойига бўғизлаётган эмиш!”

Шоди ота аввалига унчалик парво қилмади.

“Бўмаган гап”, деб қўл силтади. Набираси етказган хабар эса киройи ҳазил эмас, таги зил эканини маълум қилиб қўйди.

— Коттота, ётаверасизми? Чинорларни кестиришга бир тўда махбусларни олиб келишибди. Асбобускунаю машиналари ҳам шаймиш. Аллақачон ҳаммасини кўпориб, обкетиб ҳам бўлишгандир...

Шоди чол ўрнидан учиб турди. Маҳси кийишга ҳам сабри чидамай, калишчан яктагини явиллатганча, бирпасда оломон тўпланган жойга етиб борди. Хангоматалаб ёш-яланглар харс-хурс қилиб келаётган қарияга дарров йўл бўшатишди. Шоди чол ҳеч кимга ва ҳеч қаёққа қарамай, тўппа-тўғри Чинорлар тагига йўл олди. Ярни оқ, ўсиқ қошларини кериб, ўз кўзларига ишонмаётгандек, чинор туллари бирма-бир санаб чиқди. Қайта-қайта санади...

— Ҳа, ота, тинчликми? — чолнинг тирсагидан бе-

— Гапларинг бир томондан тўғри, оқсоқол болам, — ижроком раисининг тинмаётган оғзига қопқоқ урди чол. — Аллақимларнинг латта-путтасига аччиқ қилиб, Чинорларни кестириб юбориш-чи? Шу адолатданми?..

Ижроком раиси кўндаланг тушган бу саволдан ошиб ўтиш чорасини тополмай чайналди:

— Юқоридан буйруқ келгандан кейин... Ўзингиз менингни ўрнимда бўлсангиз...

— Сани ўрнингда бўлсам, лаллайиб ўтирмасдим, — зардаси қайнаб кетди чолнинг. — Қани, топшир, ваколатингни! Мана, бутун юрт олдида айтмай, юқорида ўтирволиб буйруқ бервотган баччағар қайси номарддан туғилганакан? Ўзи жўяга юрмаса отасиминан гаплашиб қўяй. Э, ўстирган ўғлингдан ўргилдим, дейман. Юрт Шоди ғирри деб бекор қақаб қўймаган манга, ғирра бораману, ишни битириб қайтаман...

— Буйруқ берган эркак эмас, аёл киши, — мийғида қўлимсиради ижроком раиси.

— Э, баракалла, бир хотинга бас келолмаган сан оқсоқолгаям қойил қолдим, — яна узиб олди Шоди ота. — Савлатингдан от хурқадику, шу аёл “кестираман”, деса, мум тшлаб ўтиравердингми? Чинорлар буй-бабини, қандоқ бийнат бўганини яхшилаб тушунтирсанг, отдан тушиб қолармидинг? Санки, пас кетибсанми, ўзим борганим бўлсин, ашу моцағарни олдигал..

— Жа индамаган сари... бунчалик ҳаддингиздан ошаверманг-да! — кўпчилик олдида изза бўлган иж-

Асад АСИЛОВ

ЧИНОР БОЛАЛАРИ

(Ҳикоя)

зоргина тутди қишлоқ ижрокоми раиси.

— Бунақа мўлтонилик қиғандан кўра, бор гапни айтовур, оқсоқол болам, — зарда билан деди чол. — Чинорларни кестирмоқчи бўганларинг ростми?

— Биз эмас, шаҳар каттаконлари... Қачон қараманг, чирик латталар осилиб ётади. Ўзим неча марта териб ташладим. Эрталаб қарасам, яна тўлдириб кетишади. Шайтонданам баттар қувми дейман-да, бу одамлар. Гапнинг ҳалолини ўзингиз айтинг-чи, ота, шу ишлари яхшими? Бирор алами бор одам келиб-келиб Чинорларга латта осадими?..

роком раиси ҳам овозини баландлатди. — Гап гапирини, оғизда иш битиришни ҳаммаям билади. Хўп, сиз мард экансиз, “алам” кўтариб қора тунда изғиб юрган аламзадаларни Чинорлар яқинига йўлатманг. Буёғини сиз қойиллатсангиз, уёғини ўзимиз эплаштирамиз, барака топкур. Биз ҳам анойи эмас, дордан қочганлардан тарқаганмиз!..

Аччиқни аччиқ кесар экан. Ижроком раисининг дадил гаплари Шоди чолнинг попуғини пасайтирди. Уларнинг иккаласи ҳам шу заҳоти амалий ишга киришди. Қария Чинорлар остига битта каравот қўйди-

риб, олтин пойлаган аждаҳодек кеча-кундуз қоровуллаб ётаверди. Фақат катта ош дамлаш кезларида ўрнида бир одам қолиб, кўярда-қўймай Шоди чолни олиб кетишарди. Оқсоқол эса азамат дарахтларга "тикилганлар" билан учрашиб, тилхат ёзиб бериб, масалани тинчитиб қўйди...

* * *

Чиндан ҳам чинорликлар ҳақида "Дордан қочганлардан тарқанганлар", деган гап бор. Бу авлодни уч ака-ука — машхур "Уч ога-ини ботирлар" бошлаб берган. Ҳеч бўлмаганда, ўша ботирлар ҳақида битилган эртақдан қувваи-бахра олганмикин, ишқилиб уларнинг бутун саъю ҳаракатлари етим-есир, бевабечораларнинг дардларига малҳам излаш экан. Охир-оқибатда, баҳоқирлар бутун водий халқининг сеvimли фарзанди бўлиб қолишибди. Ажойиб кунларнинг бирида ботирларнинг уч опа-сингилга, кизларнинг ҳам ака-укаларга ишқи тушибди. Толенинг чаппа кетишини қарангки, кизларнинг отаси водийни зир титратиб келаётган шоҳ экан. Айғоқчилари орқали бу сирни сезиб қолган шоҳ уч ака-укани дарҳол дорға тортишга фармон берибди. Бу золимликдан ғазабланган халқ галаён кўтариб, ўз фарзандларини нақ сиртмоқ остидан қочириб юборибди. Ботирлар ўз жонларини эмас, шоҳнинг кизларини ҳам олиб қочишиб, мудом музлик қоплаган чўққилар, шиддат билан отилиб тушувчи тоғ дарёларидан оша-оша ажойиб гўшага келиб қолишибди. Шу ерда мўким яшар эканлар, ўзларидан ёдгорлик деб, булоқ ёқасига уч жуфт чинор ўтказишибди. Бу манзилини маскан этган одамлар кўпайишиб, катта қишлоқ пайдо бўлибди. Уни Чинор деб атабдилар.

Уша чинорлик баҳоқир авлодлардан бири Шоди ота. Ёши анча жойга бориб қолган бўлса ҳам, у ҳаливери анчайин йигитга ўрнини берадиган эмас. Истараси иссиқ, боқишлари ҳамон ўткир отахоннинг бир марта суҳбатини олган одам сира-сира унутолмайди. Чўзиноқ юзидан ияги томон қалинлашиб тушган мошкичири соқол, оқ оралаган ўсиқ қошлар остида порлаб турувчи қорамтир кўзлар Шоди чолнинг салобатига салобат қўшади. Каттароқ қулоқлари ҳам ўзига ярашган. Жундор билакларни тирсагидан пастроққача шимариб, маърака қозондаги ошни ағдараётганда ошпазнинг суюқдор ёноқлари лоладек қизаради, текис, кенг пешонасига реза-реза тер қалқиб чиқади...

Шоди отанинг ҳамма фазилати бир тараф-у, ошпазлик санъати бир тараф.

— Боланг бой бўлгур, Шоди ошпаз бу касбнинг зап пири-да! — чолнинг таърифини келтиришади чинорликлар. — Ушанинг қўлидан ош ейиш учун тўйга борамиз! Бирок зардасиям ўзига етарли-да, тушмагурнинг.

Иккикам тўқсонни уриб қўйса-да, ҳамон "пенсияга чиқмай" ош дамлаб юрган қариядан ҳайқмайдиغان одам бу қишлоқда йўқ ҳисоби. Ош дамлашга чоғланган чолнинг ўткир нигоҳи гуруч орасидаги курмак

ёки тошни дарров илғайди. Шу заҳоти ёнида уйма-жуйма бўлиб юрган шоғирд болаларга маънодор қараб қўяди. Тамом, ҳамма гуруч кўздан қайта ўтказилади. Ош пишириладиган жой покиза, шовқин-сурондан ҳоли бўлиши шарт. Тўй эгаси Шоди отанинг кўрсатмаси билан қанча гуруч, сабзи-пиёз керак, дарров тўғрилаб беради, қолгани ошпазга тан. Эллиқ-олтмиш йилдан бери ош дамлаб келаётган бу одамни шу пайтгача ҳеч ким ранжитган эмас... Дарвоқе бир гал...

Тўй ошпазсиз қолса ёмон бўлар экан. Ошни-ку, кимдир дамлайди, аммо оғизга ёқмағач, кўпчиликка уни зўрлаб едириб бўлмайди-да! Чинорликлар бошига шундай кун тушган эди. Шоди чол қўл силтаб кетгандан кейин, уни қайтариш учун қошига ботиниб бирон кимса боролмай юрди...

* * *

Шоди отанинг ёшлиқдан Боботой исмли ўртоғи бўларди. Болалигида "елкасига камбағаллик ин қурган" бу икки тенгқур бир кўрпада катта бўлишган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини баравар тортиб кўришган. Ҳамиша ялангоёк, ялангош, жулдур кийиниб юрсалар ҳам, дордан қочганлардан тарқанганларнинг кўкраклари мудом баланд эди. Ҳаддан ошганларнинг доим таъзирини бериб қўйишарди. Айниқса, бой хонадонлар "зумраша"лардан безиллаб қолишганди. Болакайлар уларнинг боғ ва полизларидан мева-чеваларидан илиб кетишар, эркатой ўғил-қизларини йўғлатишар, ўзларича, гўё, эзилган ота-оналарининг ўчларини олишарди.

— Боботой-ку, унчаликмас, қўлгинанг, сингур, анависи худонинг бир балоси-да! Сал бепарво бўлсанг, кўзингням ўйиб кетишдан тоймайди! — деб, Шоди-га қўлларини бигиз қилишарди бою бойвуччалар. Шўх йигит эр етгач, ҳеч кимнинг кўзини ўйиб олмади-ю, қишлоқдаги энг катта бойнинг сулув қизини олиб қочди. Аслида икки ўртоқ бир кунда уйланмоқчи бўлиб юришарди. Боботойнинг ювошроқлиги бу режани бузди. Шундай қилиб, Шоди йигирма беш ёшида хотинлик бўлиб олди, Боботой эса қирқ ёшида аранг уйланди. Оқибатда, Боботой ота саксондан ошганда кенжаси ҳали уйланмаганди. Шу ўғлиниям кўзи тиригида уйлаб қўйиш ҳаракатида юрган ота жиндек ташвишга йўлиқди. "Шоди тўйларда ош дамламай қўйди, маникигаям келмай ўтирса-я! Йўқ, қандақ қилиб бўлсаям уни опкеламан. Шу баҳонада оғайнимни яна ошпазликка қайтараман..." — деб ўзича режа тузди Боботой чол.

Эртага тўй, деган кун кечқурун Боботой ота, узоқ сафарга отланаётган каби, ўзига обдан оро берди, махси-қалишининг ҳам энг ялтироғини кийди. Ниҳоят, кўк мовут чакмонини елкасига ташлаб, остонадан дадил ҳатлаб чиқди. Кечки овқат учун ҳамма уй-уйига тарқаб, кўча одамлардан ҳоли бир пайтда у оғайнисиникига кириб борди.

Шоди чол томорқадаги ишлардан эндигина бўшаган, палов пиширишга чоғлангандек, жундор билак-

ларини тирсаккача шимариб, ҳафсала билан ювинарди.

— Насиб этса, ҳали кўп йиллар эл хизматиға ярайсан, ишкили ёмон кўздан асрасин, — шивирлади Боботой ота қадрдониға ҳавас билан боқаркан.

Ортида кимнингдир шарпасини сезган Шоди ота ўғирлиди.

— Э-эй, биродар, бормилар, келсинлар! Хой, болалар, кўрпачани қалин тўшанглар! Дордан қочганларнинг суюмли невараси келиб қолибди. Оббо, қадрдонинг-эй, омонмисан, саломатликлар қалай? Қани, ичкариға...

Улар ҳазил орасида сизсирашар, жиддий сўхбат чоғида сенсирашар, баъзан мана шунақа — ўртамиёна қилиб ҳам бир "тўкилиб" олишарди.

— Шошиб турибман, ўртак, ичкари киролмайман, — бироз ҳадиқсираб деди Боботой ота. — Аввало ўзинг, бола-чақа, наварачеваралар соғ-омонлигини билиш ниятида... Қолавурса, зарур юмушминан олдингга бош эгиб келувдим. Сан ошпазликдан чиқиб, нотўғри қилдинг... Нобол бузоқ-ку, у! Бургага аччиқ қилиб...

Шоди чол қаддини ростлади, юмшоқ сочиққа охиста артирар экан, кўркам чехрасидаги хушнудлик йўқолиб, ўрнини зарда аралаш ғазаб эгаллай бошлади. Аммо, негадир, анча вақт сукутда турди. Алоҳал, бўйин томирлари ўқлоғдек бўртиб:

— Бургами, бузоқми, бари бир — ман Давронданамас, чинорликлардан хафаман, — деди. — Авваллари эл-юрт ишига ҳамма бир бўлиб ёпишарди. Энди-чи?! Ҳамма ўз бошини қуруққа тортадиган бўлиб қоған. Эсингдадир, Давронга ўхшаб, бемаҳал "шоҳ" чиқарган битта-аримтани қадимда чинорликлар дарров тинчтишарди. Ҳозиргиларинг хезалакка ўхшаб, ўзим омон бўлсам бас, дейишиб, чакка-чаккада томошабин бўлиб туровуришади. Уруғ бузилиб борвотти-ёв, чамаманда...

— Жа, унчаликмас, оғайни, сал паст туш. Сан тўйни ташлаб кетганингдан бери юрт бетламай юрибди, юзи шувти!..

— Кераги йўқ! Унақа хезалакбашараларинг узрларига зормасман!

— Нима қил дейсан? Давронни тошбўронга олайлики, шуни истайсанми?! — тутақиб кетди Боботой ота. Ўзининг бу ерга нима мақсадда келгани ёдига тушиди шекилли, — бир санамас, ман ҳам дор тагидан қочганлар наварасиман, — деди бир поғона паст тушиб. — Энди, оғайни, тўйимнинг бошидан-охирига-ча ёнимда турасан, ошни ўзинг дамлайсан. Ҳисоблаб кўрсам, камиди саксон йиллик қадрдонаканмиз. Мани болам — сани боланг. Агар ёдингда бўлса, ўзинг ваёда бергансан, кенжатоийм ахир...

— Қўй, ўтганларни гапирма, — Боботой чолнинг сўзини кесди Шоди ота. — Мана, бир йилдан ошди, ҳеч кимникида ош дамладим. Ҳе йўқ-бе йўқ, саникида қозонни эгаллаб ўтирсам, қандоқ одам бўламан, юрт нима дейди?! Биласан-ку, ман тулпаган тулпуғини қайтиб олмайдиган одамман. Тўйингда, албатта,

ёнингда тураман, буёғиға хафа бўлмайсан...

Рад жавоби Боботой отани эсанкиратиб қўйди. Унинг серажин юзида милтиллаб турган кўзлари янаям чуқурроқ тушиб кетгандек бўлди. Зурға ўгирилиб, кўча томон жўнар экан, Шоди чол назарида оғайнининг қадди бирпасда баттарроқ букчайиб, кичрайиб қолгандек туюлди. Ошпаз Боботой ота томон шахд билан бир одим ташлади-ю, жойида михлангандек тўхтаб қолди...

Кечки овқат совуб бораётганига қарамай, Шоди ота яна боғ оралаб кетди. Қўшни хонадонларнинг ошхоналарида "жиз-биз" эшитилиб, жизгирилган пиёзнинг ёқимли иси атрофга таралмоқда. Ҳатто тутун иси ҳам қандайдир таниш ва ёқимли. Жонажон қишлоқ, қадрдон одамлар! Буларнинг юзидан ўтиб, гапларини ерда қолдириб бўлармиди?! Шундай ширин тўйгу вужудини энтиктириб, бўғин-бўғинини бўшатиб келаётган бир пайтда хаёл ойнасида тўйқусдан сўхтаси совуқ нухса пайдо бўлди. Бу Даврон эди!..

Ота-боболаридан "бойвачча" лақаби мерос қолган Давроннинг дабдабали тўйи ҳамма ишнинг белига тепди. Хўжаликдаги ҳатто сичқон-қаламушнинг ҳам ризқини қийиб юрган омборчи тенги йўқ тўй қилиб, эл оғзига тушмоқчи бўлди. "Шу йўл билан қаланғи-қасанғилар айтиб юрган ярамас ҳангомалардан қутуларман", деб ўйлаганди у.

Даврон ҳақида тўқилган латифаларга кўникиш, чидаш чиндан ҳам қийин эди. Мана, шулардан бири: Эмишки, бу одам омбор мудири бўлгандан кейин, қишлоқнинг жами сичқону қаламушлари кўч-кўронини орқалашиб йўлга чиқишибди. Уларга дуч келганлар сўрашибди: "Йўл бўлсин, нега кўчиб кетаяпсизлар?" Қош-қовоқлари солиқ сичқону қаламушлар хомуш жавоб беришибди: "Даврон ишлаган жойда бизларга нон йўқ..."

Бойвачча чиндан ҳам тўйни катта қилди: ичимлик нақ дарёдай оқди, уч кунлаб кўпқари, кураш дейсизми!

Давроннинг қилиқлари шундоқ ҳам Шоди отанинг жаҳлини кўзгаб юрган эди. Ширакайф ҳолда келиб, ишига аралашиси дард устига чипқон бўлди. Даврон пиёлага араш тўлдириб: "Мана шуни отворасиз, кўлимини қайтармайсиз!" деб ошпазни анча қийнади. "Қўли қайтган", қозон бошида турволиб зуғумни бошлади:

— Яна ярим қоп гуруч, қолган масаллиқлардан ҳам шунга яраша кўшасиз! Ўн қишлоқдан одам айтганман, ахир! Ош етмай қолса номуси сизгамас, менга тегади!..

Шоди ота танбехли қараш қилган эди, Даврон баттар шишини шовқинлади:

— Ёнингиздан бир мири кетмагандан кейин айтганими қилаверинг-да!

Ошпаз Давроннинг бетига тулпуриб, шу заҳоти тўйни ташлаб кетмоқчи бўлди-ю, орият қучлилик қилиб, ўзини босди. Мана бўлмасам, деб, аччиқма-аччиққа Даврон талаб қилган миқдорда ош дамлади.



Оқибат шу бўлдики, қозонда ҳам, товоқда ҳам, ерда ҳам — ҳаммаёқда ош. Тоғора-тоғора палов охурларга солинди, ҳатто моллардан ҳам ортиб қолди. Нону бошқа таомлар ҳам уй-уйларда уюлиб ётарди! Шуну, Шоди чол қўлига капгир олмай қўйган эди. Тўйларда ошни дуч келган одам дамларди. Хом-хатала ёки ланж бўлиб кетган паловни ёган кишилар ошпазга эмас, Давронга минг лаънат айтиб кетишарди. Чинорликлар Шоди отани қайтариш учун уриниб кўришди. Аммо бир сўзли ошпаз сира кўнай демасди. Мана, Боботой ота ҳам умиди кесилиб қайтди. Умиди кесилдигина эмас, неча йиллар кўнглида ардоқлаб келган орзуси чил-чил синди! "Нима қилиш керак?! Ушанда бирон кишига ёки ўз-ўзимга ваъдами, қаттиқроқ сўзми берганмидим? Хайрият, шундоқ бўлмаган эди. Жаҳл чиқса, ақл кетади, деганлари рост экан-да..."

— Коттота, овқатни сузаяпмиз, кела қолинг!

Неварасининг чорлови Шоди чолни ҳаёлот уммонидан чиқарди. У боши эгик ҳолда бир-бир босиб ичкари кириб кетди...

* * *

Тўйнинг "бўлди-бўлди"си қизиқ, Биров у ёққа юради, биров бу ёққа югуради — ҳамманинг ўзига яраша иши бор. Биргина Боботой ота бекорчи. У чилла-хонасига кириб олиб, дам-бадам нос чекар, милтилаган кўзларини бир нуқтадан уза олмасди. Ошга ҳозирлик кўриш пайти ҳам яқинлашди. Ҳаваскор ошпазлар тўпланишиб, қанча гуруч, қанча масаллиқ солиш устида баҳслашишаётган эди:

— Ассалому алайкум, Шоди ота, қадамингизга ҳасанот, ичкарига марҳабо! — деб қолишди кўча эшик олдида турнақатор турганлар бараварига. Ҳамма ҳаяжонланиб, шу томонга қаради. Ёқимли бу товуш чиллахонадаги Боботой отанинг ҳам қулоғига етиб борди. У шошганидан, калиш кийишни унутиб, йўргалаганча махсичан чиқиб келди. Катта капгирини кўтариб олган ошпазга кўзи тушган Боботой ота қувончданми, яна талмовсираб қолди. Анча мадори қочган ўртоғини кўриб, Шоди чол ич-ичидан зил кетди. Шу ахволда икки дўст бир-бирига тикилиб турдилар-да, оҳиста кучоқ очиди. Ошпаз қадрдонининг қоқсуяк елкаларини силаб-сийпаб кўришар экан:

— Ранжитганим учун кечир, бу гал мандан ўтди, ўртақ, — деди овози қалтираброк.

— Мани, бир манимас, халқни десанг, тўйларда ўзинг дамла ошни, — жавоб қилди Боботой ота...

* * *

Шундан бери ҳам қанча сувлар оқди. Оқар сув сингари Боботой ота ҳам ҳаётдан ўтди-кетди. Шоди чол катта капгирини кўтариб ош дамлаш учун бораётганида унинг кўзи дастлаб латта-путталардан ҳоли, азамат чинорларга тушади. Кейин дордан қочганлардан тарқаганларни эслайди. Қадрдони Боботой отани ҳам ҳар сафар ёдга олади...

Саҳна-даги Бобур	↙	Ёдгор-лик	Томо-ша асари	↙	Кўл куши		→	Нов ...	Кончи-лик шаҳри	Саффо		
↘		↙		9				↙	3			
↑		↘	От ёпқичи		Тог-лик	↑				←	Дарахт	
Бол ...	↘			↙		Шам-сий ой	→		6			
↙		→	Оз		...бу	Тўсиқ	↑		→	Вазн ўлчови	Ота-нинг отаси	
	Россия вилояти		Туман	КАЛИТ				↘		↙		
	Кўк	Бозор томи	↓	1	2	3			Замон		Амалдор	
↘		↑		4	2	6	4	5	↘			
4		↘		7	8	9	10	11	Чаман зор	"Пос-бон" Брус ...	5	
Тасвирли овоз	Дон маҳсули		Тикиш ашёси	СЎЗ				↓		10		
	↙	Соз	↘	8				Инсон			←	
Ният	→	↙		Мажнуннинг исми	2	Рўзгор буюми	→			11		
↙		↑					↘	... Бухорий	1			
Нок нави		Мана ...		Тантана	Нон тури		↓		→	Бўй ...	↓	
Бразилия адиби	↑	Кулол маҳсули	↑		7	↘	↑		←	Белги	Торли овоз	Садоқатли

Фозилжон ОРИПОВ тузди

"ТАЛАБАЧИЛИК"

Талаба бўлганмисиз? Чўнтагин-гизда хемири йўқ бўлса ҳам, ўзингизга сув юқтирмай олифтагарчилик қилганмисиз? Ҳа, ўлманг, билар экансиз, талабалик ташвиши. Бир ёқдан топширилмаган синов ва имтиҳонлар туфайли ўқитувчилар кетидан югур-югур, бир ёқдан чўнтак бўм-бўшлиги сабабли қорин тўйдириш ташвиши, устига-устак рад қилинган муҳаббат азобида қизлар ортидан югур-югур! Хуллас, ана шу ташвишлар орасида мазза қилиб юрган "олтин давр" бошимиздан ўтган дейсизми? Ҳа, унда ўзимиздан экансизда!

Хуллас, ака, ана шундай ажойиб кунларнинг бирида дарсдан қочиб, уйга бориб келиш учун (сир бўлсам айтиб қўйиб, чўнтакнинг мазаси қочган эди) ўзимни электричкага урдим. У пайтлар ҳозиргидай урсур йўқ. Электричкалар бозор эмас, бизга ўхшаганлар учун транспорт воситаси эди холос. Поезд келаяпти, чўнтак бўш, қорин оч, эрталаб нонушта қилинмаган, соат учга яқинлашаяпти. Ховосгача яна уч соат юриш керак. Энди нима бўлсам чидайсиз, мулла Эшқўзи, дейман ўзимга, ўзим бу ёғи оз қолди, деб яна ўзимга ўзим тасалли бераман.

Бир маҳал рўпарамдаги ўриндикча қорни мешдай, бўйни йўғонлигидан калласи билан бир текис бўлиб кетган бир киши келиб ўтирди. Димоғимга иштаҳани очадиган, қоврилган товۇқнинг ёқимли хиди келиб урилди. Ҳалиги одам бафур-жа жойлашиб олди-да, қўлидаги тўрва-халтасини олиб очиб, дастурхон қилди-да, товۇқни қўли билан майдалаб ташлади. "Оҳ, мулла Эшқўзи, бахтинг бор экан, худо берди", — дейман ўзимга ўзим, севинганимдан. Аммо эрта қувонган эканман. Ҳалиги одам иштаҳа билан тушира бошлади-ю, бир оғиз "Ол, ука" деб ёлғон манзират ҳам қилмади.

Балки мени кўрмагандир. Бир "ўху" деб ёлғондакам йўталиб

қўйдим. У бир ҳиссиз қаради-ю товۇқ ейишни давом эттирди. "Ҳой, инсофингиз борми, мусулмонмисиз ўзи?" дейман ичимда ва индамай қарайман. Бир ёқда қорин таталаб кетаяпти. Ҳар замонда ичаклар қулдираб қолади. Охири бўлмади. "Сеними, шошмай тур", дедим-у ўзимча режа туздим.

Чўнтақларимни бошқатдан "ревизия" қилиб чиқсам, 40 тиин чикди. Бир чойнак чой, иккита пиёла олиб келдим. Чойни шошмасдан уч марта қўйтариб бир пиёласини ўзимга олиб, иккинчисини баднафсга узатдим. "Ока, чой ичинг". У бир менга, бир пиёлага қаради, чанқаб турган шекилли, чойни олиб хўплаб ичди-да товۇққа ишора қилиб, "Ол, ука" деди. Кесақдан ўт чикди деганлари шу бўлса керак. Ҳайриятки, шу очофатда ҳам тил бор экан. Менга эса шу пайтда ўзим интизор бўлиб кутган бир оғиз сўз кифоя эди. Нима бўлаётганини англагунча "хужум қилиб", фронтнинг олдинги линиясига бостириб бордим. Бир маҳал қарасам, ранги оқариб бўзариб кетаяпти, ўзимни гўлликка солиб, "чегара"дан ҳам ўтиб кетдим. Газет "дастурхон"дан барака учди. Товуқ жонивор ҳам эзилиб пишган эканми, оғзимга солишим билан эриб кетарди.

"Ке қўй, мулла Эшқўзи, ҳаддингдан ошма", дейман ўзимга ўзим ичимда. Аммо шайтон ўлгур "Бопла, бу одамгарчилиги йўқ очофатни" дер эди. Хуллас "урхо-ур" билан Ховосга келганимизни билмай қолибмиз. Ойнадан қарасам, Ховоснинг вокзали. Чойнак пиёла ҳам кўтардим. "Ока, мана Ховосга ҳам етиб келдик, тушинг, чой-пой ичиб кетарсиз", дедим бамайлихотирлик билан пинагимни бузмай. Ҳалиги одамнинг кўзи косахонасидан чиқиб кетди. "Ҳе, чой-пойинг, ордо-на қолсин". Хуллас, ана шунақа гаплар. Талабалиқда нималар бўлмайди дейсиз...

Шоҳ МУРОД

*Мен бир қизни суйгандим,
Оламан, деб юргандим.
Университетда кўргандим,
Контракта ўқиркан.*

*Кўксимда йиғлар бир ҳис,
Ўзи-ку чиройли қиз,
Лекин ҳали биринчи курс,
Контракта ўқиркан.*

*Мен усиз туролмайман,
У пулсиз туролмайди,
Стипендия олмайди,
Контракта ўқиркан.*




*Кўзи тушар кўзимга,
Тушунмайди сўзимга,
Қандай айтгай ўзига,
Контракта ўқиркан.*

*Отамдан сўраш керак,
Онамдан сўраш керак,
Контракт тўлаш керак,
Контракта ўқиркан.*

*Отам бунга кўнмайди,
Севгини тушунмайди,
Қизнинг қалини эса,
"Перечисления" бўлмайди.*

*Бу киз соддами, айёр?
Бевафони, вафодор?
Шодмон, шундан кечивор —
Контракта ўқиркан.*

Шодмонқул САЛОМОВ



Дилором Солиҳова
Болалар бадий ижодиёти
Республика марказининг
миллий каштачилик
бўлими мудираси



mun. 340c

Guliston

Ra'na
Qozboyeva

Indeks: yakka obunachilar uchun — 820
tashkilotlar uchun — 806
Bahosi: kelishilgan narxda.